

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 21-MART, PAYSHANBA, 36-37 (8118)-sonlar 1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

ХУШ КЕЛДИНИ, НАВРЎЗ, ЭЛИМФА!



Илдизларда шивирлаган
сен эдинг,
Тупроқ кўпчиб, қимирлаган
сен эдинг.
Бир кечада ўзгарди руҳ ангори,
Дардим яшил,
ҳасратларим зангори.

Ҳаётимдан ечдинг
гам печагин сан,
Адашгайдир ким айтур
кечагимсан.
Баҳор, харсангтош остидан,
уни суриб,
Озодликка чиқиб олган
чечагимсан.

Тўрт ой менадан қаролик
устун бўлди,
Мен тўқилдим, дафтарларим
тун бўлди.
На хуширки, қайтадан
насибамсан,
Равоч ҳидин келтирган
насимимсан.

Барг ёзмоқчи бўлган
янглиғ томирлар,
Жимирлар, тан оғочиди
жимирлар.
Сен гулборим, гулнорим,
гуландомим,
Кечалари шитирлар қаламдоним.

Яшил ҳовуч бўлиб
чикди исмалоқ,
Қалдирғоч ҳам келди
сал-пал эзмароқ.
Ҳар бир кўлка яқин қиру этакда,
Кўзичоққа айланади эртага.

Сен тоғларим қарайган чақинимсан,
Дўмбираси гулдурак оқинимсан.
Айтишларинг бу оламга ёқади,
Еру осмон сел бўлади, оқади.

Куйга тўлиб кетди
тошу деворлар,
Сўлгин-сўлгин соғаяди беморлар.
Фақат бир барг,
чириган бир барг фақат
Айлар менга мунглигина насиҳат.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Наврўз... Янги кун... Олам уйғонди. Табиат жонланди. Борлиққа баҳор тароватини
етаклаб, Наврўз келди. Яшил отда қиру адирларни кездди. Чўлларни бўстонга айлан-
тирди. Сайхону тоғларга чиқди. Барча уни кутиб олмоққа отланди.

— Ҳаай-я-ху! Ҳамма сайилга, ҳамма байрамга...

Жарчиларнинг овози оламни тутди. Кўкка етдик, омонликка етдик, дея кексаларимиз
шукрона айтди. Оташқалб ёшларнинг шижоати жўшди. Мусаффо осмонга чарақлаб
чиққан қуёш дилларни-да нурафшон этади. Кўнгиларда байрам шукухи, баҳор нафа-
си. Эзгулик ва бунёдкорлик, яратувчилик кайфияти дилимизни равшан этади.

Азалдан ушбу байрам ободлик, яратувчилик ва бунёдкорлик айёми бўлиб келган. Наврўзни ўзгача меҳр билан, интиқлик билан кутган юртдошларимиз байрам арафасида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Ҳашар кунлари янги-янги ижтимоий объектларни фойдаланишга топшириш, болалар спорт майдончаларини қуриш, янги боғлар барпо этиш каби хайрли ишлар амалга оширилди. Мамла-

катимизнинг барча ҳудудларида ҳашар хайрли тадбирларга бой бўлди. Юрт ободликка юз тутди. Боғларга, ҳовли-жойларга, хиёбонларга, кўчаларга мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди. Янги боғлар барпо этилди. Мавжуд дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ариқлар, лотоклар тозаланди, зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди. Буларнинг барчасида эзгулик мужассам бўлди. Ободлик ва

фаровонлик акс этди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Наврўз тантаналари бўлиб ўтмоқда. Карнай-сурнай овози, шодумонлик, хурсандчилик акс-садолари янграмоқда. Чавандозлар, полвонлар, бахшилару ҳофизлар байрам сайлларини қиздирмоқда. Озод ва обод юртга байрамлар ярашади-да. Бу туйғу юртдошларимизнинг байраму сайлларида ҳам ўз аксини топмоқда. Инсон ҳаётида бир неъмат бор, барча эзгу ишларнинг дебочаси у. Тинчлик. Агар инсон тинч ҳаёт кечирмас экан, унинг ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Ҳаёт бардавомлиги, бунёдкорлик асоси бўлган ушбу неъматнинг қадри нақадар улуглигини яхши биламиз. Шундай ҳаёт боис мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон бўлиб бораётир. Обод турмуш йилида ҳам ана шу эзгу ишларимиз кенг кўлам касб этсин, дея ният қилдик.

(Давоми 2-саҳифада)

ХУШ КЕЛДИНИ, НАВРҲЗ ЭЛИМИГА!

(Боши 1-саҳифада)

Табиат уйғонди. Жанубдан қушлар учиб кела бошлади. Баҳор шифобахш кўкатларини инъом этмоқда. Улардан тайёрланган таомлар байрам дастурхонини безамоқда. Кўксомса, кўкчучура, кўкош, ҳалим, гўжа... Дошқозонларда эса сумалак қайнайди. Момоларимиз уни пишириш удумларини ёшларга ўргатади. Баҳорнинг шоҳ ва тансиқ таоми. Кўпни кўрган фариштамисол момоларимиз кўшиқ айтади:

**Дошқозонда сумалак,
Ковламаган армонда,
Бир-бирининг кўнглини,
Овламаган армонда.
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак...**

Ҳар биримиз яхши тилаклар билан сумалак ковлаймиз. Элга, юртга тинчлик доимо ёр бўлишини, йил баракали келишини ният қиламиз. Бугунги дориламон кунларга шукрона айтаемиз. Бир-биримиздан гина-кудуратимизни, аразларни унутамиз. Наврўз ана шундай хосиятли кун. Ана шундай эзгулик улашиладиган кун. Кўнглимиз ўсади, бу кунда. Қалбимиз тозарайди бу кунда. Йилбоши – Наврўзнинг шарофати шундай улуғ...

Наврўз. Куну тун тенглашди. Кўёш хут буржидан ҳамалга ўтмоқда. Ҳамал – амал дейди бободехқон. Қадимдан бу байрам деҳқончилик байрами бўлиб келган. Баҳорги экин-тикинлар бево-сита Наврўз кириши билан бошланади. Кунлар илиши билан деҳқон уйда ўтирармиди, кетмонини олиб, даласига боради. Кўпчиган, қиш уйқусидан уйғонган ерига боқиб, олдинда турган ишларни хомчўт қилади. Олажақ ҳосилини тасаввур этади. Ҳамма кўкламги экиш мавсумига тайёргарлик кўрмоқда. Баракали ҳосилга шу даврда мустақам замин яратилади-да. Боғбонларнинг ташвиши ортгандан ортган. Дарахтлар уйғонди. Кўмилган анор, анжирлар тупроқдан чиқарилди. Негаки, кунлар исини билан бу ярим тропик дарахтларнинг новдаси тупроқ остида қорайиб, чириши мумкин. Баҳорнинг бир куни йилга татийди, дейишади.



Жамшид НОРҚОВИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Унинг дақиқалари ҳам қадрли деҳқон учун. Бу ҳақда шундай муболағали гаплар ҳам юради: эмишки, деҳқон ерга уруғ қадаётган вақтда бир уруғ омонга илиниб қолиб, бироздан сўнг тушганмишу, унинг ҳосили бошқаларига нисбатан яхши бўлмаганмиш.

Баҳор насимлари яйловларга ўзгача фусун бахш этган. Қишловдан чиққан чорва яйлов кезади. Кўй келади кўзи билан, бир-бирининг изи билан. Чўпонлар учун кўзилатиш мавсумидек долзарб паллалар бошланмоқда.

Наврўз тантаналарида деҳқону чор-

вадорнинг, боғбону миришкорларнинг орзу истаклари Наврўз тантаналаридаги турли сахна кўринишларида намоён бўлади.

Ҳазрат Навоий айтганидек:

**Улус чехраи олам афрўзидин,
Билур йил келишин Наврўзидин...**

Дарҳақиқат, халқимиз кўп йиллик кузатишлари асосида Наврўз ҳафтанинг қайси куни келишига қараб, йилнинг ҳам қандай келишини аниқлашган. Бу йил Наврўз пайшанбага тўғри келибди. Наврўз пайшанба куни кирса, йил қандай бўлади?

– Бу йил ноз-неъматлар кўп бўлади, – дейди боболаримиз. – Ой ва кун кўп тутилади. Хасталиклар бироз кўпайса-да, охири хайрли бўлади. Деҳқон ҳосилида барака бўлади.

Шунда улардан яна сўраймиз:

– Бошқа кунлари келсачи?

– Агар Наврўз жума куни кирса, ёмғир кўп, совуқ қаттиқ бўлади. Экин кеч битса-да, аммо сероб бўлади. Шанба куни Наврўз бўлса, неъматлар кўп бўлади. Ёзда шамол кўп туради. Агар Йилбоши яшанба кунига тўғри келса, ёмонлик оз бўлади. Фаровонлик ошади. Бу йилни пахтакорларнинг йили ҳам дейиш мумкин. Қолаверса, полиз ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил олиш мумкин. Бошқа экинлар ҳосили одатдагидек бўлади. Сешанба куни Наврўзни кутиб олсак, ўша йили эл фаровонлиги ошади. Ўша йили экинни эрта эканларнинг ҳосили мўл, даромади яхши бўлади. Полиз ва мева-лар кам бўлади. Йил охирида ёғингарчилик меъеридан ошади. Йил чоршанбадан бошланса-чи? Унда ўша йили полиз ва мева-сабзавот яхши ҳосил беради, дуккакли экинлар мўл бўлади. Ёғингарчилик камроқ кузатилгани боис, галла парваришида эътиборни кучайтириш лозим. Омилкорлик билан иш тугилса, бу йилда ҳам кўнгилдагидек ҳосил олиш мумкин.

Наврўз нафақат табиатнинг янгила-ниши, ўзгариши, яшариши, балки инсон қалби, руҳияти ва тафаккурининг ҳам ўзгариши давридир. Баҳорнинг илиқ тафти қалбимизга ишонч, кўтаринкилик, жўшқинлик юқтиради. Шу боис ҳам барча даврларда Наврўз тинчлик, омонлик, тотувлик, дўстлик, меҳру муҳаббат, ободлик ва бунёдкорлик тимсоли бўлиб келган. Байрам шуқуҳи барчани эзгу ишларга ундайверган.

Юртдошларимиз яшариш ва эзгулик айёми Наврўзи оламни ана шундай кўтаринки руҳда кутиб олмақдалар. Тилларда, дилларда байрам, эзгу сўзлар, эзгу тилаклар. Зеро, Наврўзда қилинган ниятлар ижобатига ишонамиз.

Хуш келдинг элимга, Наврўз!

Анвар КУЛМУРОДОВ

**Қадрли ватандошлар!
Янгиланиш ва яратувчанлик,
бунёдкорлик байрами — Наврўз
айёмингиз муборак бўлсин!
Халқимиз кўхна ва ҳамиша
навқирон бу байрамни эзгу
ниятлар ижобати сифатида ҳам
эъозлашади. Шундай экан, ушбу
мунаввар лаҳзаларда
барчангизга омонлик, ризқи
бутунлик, деҳқонларимиз
ҳосилига барака тилаймиз.
Кўнгилларда неки орзу-умидлар
бўлса, шу гўзал дамларда
барчаси ушалсин!**

**ГЎЗА УРУҒЧИЛИГИ РЕСПУБЛИКА
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**



Кичик бизнес. Ушбу соҳани тadbиркорлик ҳам деб атаймиз. Бир тadbир билан мушкул вазиятдан чиқиб кетишни уddалайдиган, оддийгина айтганда, йўқдан йўндирадиган кишини тadbиркор деймиз. Бугун орамизда ана шундай инсонлар кўп. Уларнинг саъй-ҳаракатлари, шижоатлари билан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо соҳаси ривожланмоқда, янгидан-янги иш ўринлари яратилмоқда.

Тadbиркорларга эса мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида қатор чора-tadbирлар амалга оширилади. Ва бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Келинг, буни халқро эътирофда кўрамиз. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди. Албатта, ана шундай даражага етишда мамлакатимиз молия-банк тизимининг ҳам муносиб улуши бор. Айти шу жабҳада «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан амалга ошириладиган ишларни таҳлил этсак ҳам фикримиз ойдинлашади.

Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молия муассасаси ўзининг қарийб етти йиллик фаолияти давомида барқарор ва ишончли молиявий ташкилот сифатида тadbиркорларнинг тўла ишончини қозонди. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-tadbирлари тўғрисида»ги

биркорлик субъектларига 1,2 трилион сўм миқдорида кредитлар ажратди. Шунингдек, 707 миллиард сўм микромолиявий хизматлар кўрсатиб, бу маблағлар эвазига республикада 530 мингта янги иш ўрни ташкил этилишига ўз улушини қўшди.

кўрсатиш орқали шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун 7,1 миллиард сўм, шахсий ёрдамчи хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, паррандачилик, асаларичилик, боғдорчиликни ташкил этиш мақсадлари учун 2,6 миллиард сўм миқдорида микрокредит ҳамда оилавий тadbиркорлик субъектларига 24,4 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 18,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Сармоя-

лари сони 17 мингдан ошди. Хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган имтиёзли ресурслар ҳажмини ошириш мақсадида 6,9 миллиард сўм миқдорида 553 та субъект бўйича ишлаб чиқилган манзилли лойиҳалар белгиланган муддатларда тўлиқ молиялаштирилди.


Банк кичик бизнес ва хусусий тadbиркорларнинг энг яқин молиявий ҳамкори бўлган ҳолда иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам яқиндан кўмак бериб келмоқда. Жумладан, фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда, хусусан, пахта ва галла етиштиришни молиялаш муҳим аҳамият касб этиб, ўтган йил-

нали томонидан ўтказилган «Bank of The Year Awards – 2012» – «Йилнинг энг яхши банки»ни тақдирлаш маросимида «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки 2012 йилда «Ўзбекистоннинг энг яхши банки» номинациясида голиб деб топилди. Таъкидлаб ўтиш жоиз, бундай халқро эътирофга «Микрокредитбанк» иккинчи мартаба сазовор бўлди.

2012 йилнинг 3-4 апрель кунлари Голландиянинг Амстердам шаҳрида бўлиб ўтган «Ёшлар молияларини ривожлантириш ташкилоти»нинг биринчи Халқро Саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистоннинг «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки ёшларга молия хизматлари кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги, шунингдек, болалар ва ёшлар молиси каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида халқро ташкилотлар ва молия институтлари маблағларини жалб қилиш ва улар ҳисобидан тadbиркорлик лойиҳаларини молиялаш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жаҳон банкнинг «Қорақалпоғистон Республикасида пиллачиликни ривожлантириш», Халқро Тараққиёт уюшмасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш II-босқич», БМТ Тараққиёт дастурининг «Худудларни комплекс ривожлантириш», Германия жамғарма кассалари фондининг аёл тadbиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳалари ҳисобидан қарийб 5 миллиард сўм миқдоридаги лойиҳалари молиялаштирилди.

2009-2012 йиллар давомида БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда гуруҳ кафилиги асосида кредит ажратиш лойи-



Ўтган йилда эса банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар миқдори 381,9 миллиард сўмни ҳамда кичик

лар эвазига 7 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, вилоят ўрта махсус касб-хунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу ҳамкорлик самараси ўлароқ қарийб 3,1 мингга яқин коллеж битирувчисига 9,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилиб, сармоя ҳисобига 4 минг 142 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бу йўналишдаги ишлар «Банк экспo – 2012» кўргазмасида ҳам исботини топди, унда молия муассасаси «Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинацияси голиби бўлди.

Давлат дастури ижроси юзасидан ёш оилаларга 13,9 миллиард сўм истеъмол кредитлари ажратилди. Шунингдек, аёллар тadbиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 43 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди ва 18 минг 600 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Алоҳида эътибор аҳолига сервис хизмати кўрсатиш мақсадидаги лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилди ва бу йўналишда 48 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан имтиёзли микро-

да 7434 та фермер хўжалигига галла ҳосили етиштириш учун 82,8 миллиард сўм ва 7444 та фермер хўжалигига пахта ҳосили етиштириш учун 286,4 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Банк фаолиятига қатор хориж молиявий ташкилотлар, жумладан, «Fitch Ratings» компанияси халқро қабул қилинган мезон-



ларга мувофиқ ижобий баҳо бериб келмоқда. Мазкур рейтинг компанияси банкнинг 2012 йилдаги фаолияти бўйича «В» «Барқарор» рейтингини тақдим этган бўлса, жорий 2013 йил февраль ойида банкнинг «В» «Барқарор» рейтингини қайта тасдиқлади. Айти пайтда банк фаолиятининг молиявий ҳисоботлари халқро стандартларига мувофиқ ташкил этилиши «Deloitte and Touche» халқро аудиторлик компанияси текширувида ижобий баҳоларга эга бўлиб бормоқда.

Бугунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви бўйича «MIX-MARKET» агентлигининг 2012 йилдаги рейтингига кўра, «Микрокредитбанк» микромолиявий хизматлар кўрсатишда юқори шаффофликни таъминламоқда. Шу боис, молия ташкилоти 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида қайта эътироф этилди.

2012 йил 28 ноябрь куни Лондон шаҳрида «The banker» жур-

ҳаси муваффақиятли амалга оширилди. Лойиҳа самарасидан келиб чиқиб БМТ Тараққиёт Дастури Кенгаши қарорига биноан дастлабки келишувга мувофиқ жалб қилинган 222,9 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни грант сифатида банк ихтиёрида қолдирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан республикаимизнинг бошқа худудларида ҳам гуруҳ кафилиги асосида кредит ажратиш йўлга қўйилди.

Янги кредит линияларни жалб қилиш мақсадида Халқро тараққиёт уюшмаси ва Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқро жамғармаси (АЙФАД) билан 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ жалб қилиш бўйича келишувга эришилди.

Сирасини айтганда, банк сармоялари юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Обод турмуш йилида ҳам банк ана шундай мақсадлар билан да-



Фармони банкнинг амалий вазифалари доирасини янада кенгайтириш баробарида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳаси учун катта имтиёзлар яратди. Яъни банк капиталлашув даражаси янада оширилди, банк устав жамғармаси кўпайтирилди, микросармояларнинг фоизлари камайтирилди.

Бугунги кунда банк ўзининг 84 филиал, 188 та минибанк ва кўплаб агентликлари орқали юртимизнинг чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Буни ўтган йилда амалга оширилган ишлар ҳам исбот этади. 2013 йил 1 январь ҳолатига банкнинг жами капитали миқдори 176 миллиард сўмни, жумладан, банкнинг шакланган устав капитали миқдори 160,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич молия муассасаси ташкил этилгандан буён 2,2 баробарга ошди. 2012 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида банкнинг «Чимбой» филиали ташкил этилди. Бу эса молия муассасаси фаолияти янада кенгайиб бораётганлигининг ёрқин кўриниши бўлди.

Банк ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тadb-

бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар 204,7 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур сармоялар ҳисобига 105 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

«Мустақам оила йили» Давлат дастури ижроси юзасидан юртдошларимизга «Оила фаровонлиги учун» хизматлар мажмуаси тақдим этилди. Ушбу хизматлар жамланмаси асосан келажак учун сармоя бўлиб, коллеж битирувчиларига бошланғич сармоялар, томорқачи-



лик учун микрокредитлар, оилавий хунармандчилик учун сармоялардан ташкил топди. Бундай йўналишларда хизмат

кредитлар миқдори 21,1 миллиард сўмни ташкил этди. Банк кредитлари ҳисобига сервис соҳасида яратилган янги иш ўрин-

Банк матбуот хизмати

Ангижон Вилояти

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЯРАТАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

«Асакаёғ» ҳиссадорлик жамияти ишчиси Ҳошияхон Қўлдошева корхонаси билан фахрланади. Боиси унинг фаолияти корхона билан чамбарчас боғлиқ. Ахир отаси Абдурахмон Абдуқодиров ҳам бу ерда салкам 60 йил меҳнат қилиб, пенсияга чиққан фахрийлардан эди.

Отасига ҳавас қилиб, болалигидан ушбу ишга меҳри тушганлиги сабабли Ҳошияхон шу даргоҳга ишга келди. 32 йилдирки, шу ерда ишлапти. Ўтган йилларда тажрибаю малкаси ошди. Ўзи ҳам устоз даражасига етди. Буни қарангки, корхонада сулоланинг учинчи авлоди Толибжон ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур корхонада Абдурахмон Абдуқодиров каби ишчилар сулоласига замин яратган ва авлодлари меҳнат қилаётган оилалар кўп. Акбарали Мирзаев, Абдураим Жўрабоев, Нишонбой Каримов, Хаитбой Абдумаликов, Қамбарали Усмонов, Абдулло Мирзаев, Исмоилжон Қўлдошев каби ишчилар сулолалари бор.

– Корхонамизнинг кечаги куни билан бугунгисининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, – дейди Ҳошияхон Қўлдошева. – Авваллари миқдор биринчи, сифат эса иккинчи ўринда турарди. Эскирган технологияга асосланган ишлаб чиқариш жараёни боис

ҳозиргидек маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тасаввур ҳам этмаганмиз.

Ўз корхонаси ва унинг кундан кунга янгиланиш йўлини собитқадамлик билан забт этиб бораётган жамоа ютуқларидан қувониб гапирадиган ишчилар даврасида, сўнгра эса цехларда бўлсангиз, албатта, сиз ҳам уларнинг қувончига беихтиёр шерик бўласиз. Асака қишлоғини шаҳар даражасига кўтаришга туртки берган ушбу корхона узоқ йиллар мобайнида пахта ёғи, кунжара ва шелуха ишлаб чиқарган.

– Энди манзара тамомила бошқача, – дейди корхона раҳбари Ойбек Алиев. – Аввало, эътиборни юқори унумли, сифатни тубдан оширадиган замонавий технологияни жорий этишга қаратдик. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 12 июндаги “2007-2011 йиллар даврида ёғ-мой саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамият касб



иқтисодий самарадорликнинг кўтарилишига мустақам замин яратилди. Ҳисоб-китоблар бўйича ушбу цехнинг барпо этилиши билан боғлиқ харажатлар 2,5 йилда тўла қопланади. Яна бир жиҳат шундан иборатки, янгиланиш сари қўйилган қадам боис 16 киши мунтазам иш ўрнига эга бўлди.

Корхонада қунига 50 тонна ўсимлик ёғини ҳидсизлантириш ва қадоқлаш қувватига эга замонавий технология ўрнатилди. Цех бошлиғи Низомжон Маҳмудовнинг айтишича, сифатли ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжни замон талаблари даражасида қондиришга эришилмоқда.

Бугун ушбу цехда 45 нафар ёшлар меҳнат қиляпти. Ферузахон Сарбоева, Шаҳнозахон Тожибоева, Нигорахон Иминова, Озодахон Рўзиева, Холидахон Қодирова каби ишчиларнинг кўпчилиги Асака шаҳридаги касб-хунар коллежларида таълим олган ёшлардир.

Бош муҳандис Саидабор Тошматов билан корхона цехларида бўлганимизда модернизация ва техник жиҳатдан қайта ўзгартириш жараёнлари давом этаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳадемай бу ерда чигитнинг туқдорлик даражасини камайтиришга қаратилган технологик жараён ўз ечимини топиши кутилмоқда. Технологик асбоб-ускуналарни йиғиш, ўрнатиш ва сошлаш жараёни поёнига етказилади ва синовга қўйилади. Ҳар тонна техник чигитдан 50 килограммдан момиқ олинган тақдирда ҳам йилга икки минг тонна хамиша харидоригр маҳсулот олинади. Ваҳоланки, ҳозирда ушбу маҳсулот шелуха таркибида қолиб кетаётган эди. Иқтисодчиларнинг сўзларига қараганда, ушбу цех харажатлари 3 йилда ўзини оқлайди ва 75 киши ишли бўлади.

Ҳошияхон Қўлдошевнинг кўтаринки кайфият билан ўз корхонаси ривожига юксалишлар ҳақида гапириши бежиз эмас экан. Янги технологияларнинг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат жиҳатидан жаҳон андозалари даражасига етказилаётганлиги, меҳнат бозорига кўрсатаётган ижобий таъсири «Асакаёғ» ОАЖ корхонаси обрўсига обрў қўшмоқда.

Қобилжон АСҚАРОВ
«Qishloq hayoti» мухбири.



эти. Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан иқтисодий-техник ечимлар бўйича алоҳида режа устида ишлашга киришдик. Муҳандис-техник ходимлар билан ҳар бир масала ва унинг ечими чуқур таҳлил этилди. Якуний ҳисоб-китоблардан сўнг корхонамиз техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни бошлади.

Маълумки, экстракция цехи корхонанинг асосини ташкил этади. Техник чигитни қайта ишлаш жараёнида экстракция ёғининг чиқилиши ошириш мақсадида Хитойдан келтирилган «Карусель экстрактор» технологик линияси ўрнатилди. Натижада кунжарада қолдиқ бўлиб қолаётган ёғни олиш ма-

саласи ижобий ечимини топди.

Ёғни қайта ишлаш жараёнида олинган иккиламчи маҳсулот бўлмиш соапсток (қора ёғ) совун ишлаб чиқариш учун бирламчи хомашё ҳисобланади. Қарийб 80 йил давомида ушбу маҳсулот арзон нархларда бошқа корхоналарга етказиб берилди. Корхонада совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чоғида эса хомашё юқори нархларда сотиб олинди. Бу номутаносибликни бартараф этиш мақсадида соапстокни қайта ишловчи хом ёғ кислоталари цехига асос солинди. Қунига 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цехнинг ишга туширилиши эвазига

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ
МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ
БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР
БЎЙИЧА ТАҚРОРИЙ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ
ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот-1. Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Шўрбулоқ» (Загат-сой) ҳўжалиқлараро коллекторини реконструкция қилиши.

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — **284 260 220 сўм**; ишларнинг тугалланиш муддати **3,5 ой**.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўронома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй, 308-311 хоналар. тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Бир тўғлам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм. Танлов савдолари, эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

ООО «MIRZIYOD MRLAR» (ИНН 300450445), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-17, 32-1, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 20.03.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 217-67-53.

Тошкент ш. Юнусовод т.даги «AGRO PREMIUM PLUS» МЧЖнинг Юнусовод т. ТСРҲИ томонидан 28.10.2011 й.да берилган 007086-10-сонли Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«FUNNY TOYS PLAST» МЧЖга тегишли бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«PARADISE-LIDER» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор Шамансуров Равшан Собировичга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яққасарой т. инспекцияси томонидан (реестр № 006112-11, 04.02.2013 й.) рўйхатга олинган «SALAXITDIN UNIVERSAL TRADE» МЧЖнинг (СТІР 302048095) Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧП «OMON-XON» (ИНН 201569685), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г. Ташкента (реестр № 09-00558 от 10.05.2007 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Навои Торговые ряды, ликвидируется (решение № 1 от 20.03.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Олмазор тиббиёт коллежи томонидан 2011 й.да Комилжон-нова Арофат Қайюмжон қизи номига берилган К № 2245908 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«GULDASTA SAVDO SERVICES» ХК ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

ООО «MARKO SERVIS PLUS» (ИНН 205877584), расположенное по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н массив 40-лет Победы 1 кв-л д. 29 кв-ра 46, зарегистрированное ИПСРП Хамзинского р-на (22.09.2006 г., реестр № 001154-07), ликвидируется (решение учредителя о добровольной ликвидации от 19.03.2013 г. № 1). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 324-62-69.

ООО «FASAD MEDIA» (ИНН 206976460), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар 10 кв-л д. 16, ликвидируется (протокол собрания № 4 от 11.03.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: +99890 922-71-83.



UZTRANSOAZ

JOINT-STOCK COMPANY

AKSIADORLIK KOMPANIYASI

*«Ўзтрансгаз» акциядорлик
компанияси жамоаси*

*барга юртдошларимизни Наврӯз айёми
билан муборакбод эътади. Обод турмуш
ёилида барга соҳадаги ободлик ва*

бунёдкорлик ишларига

муваффақиятлар тилайди.

*Юртимиз доимо тинч, элимиз
дастурхони тўкин бўлсин,*

*хонадонларимиздан қўн-барака,
қалбларимиздан шоду хушрамлик*

*аринасин. Мамлакатимиз иқтисодиёти
бундан-да юксалаверсин.*

Тошкент Вилояти

Гулзоробод

ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасидаги ишлар Тошкент вилоятида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2012 йилда вилоятда 1160 та уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилиши бу борада кенг кўламли ишлар амалга ошириляётганидан далолат беради.



Қурилиш лойиҳадан бошланади. Лойиҳаларнинг янада мужассамлашгани қурувчиларга ҳам, уй-жой эгаларига ҳам маъқул бўлмоқда.

Чиноз туманидаги «33-механизациялашган кўчма колонна» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уйлар қурилишида фаол қатнашмоқда. Жамият

қурувчилари 2009 йили тумандаги Т.Эрназаров массивида 20 та, 2010 йили шу массивда 5 та, Чиноз қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 14 та, 2011 йили Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги



Чорвадор массивида 25 та, Гулзоробод массивида 5 та, 2012 йили Гулзоробод массивида яна 10 та кўркам уйларни бунёд этдилар.

— Инсон кўли гул, — дейди жамият раиси Аҳмадали Худойбергенов. — Яқиндагина бу майдонлар ташландиқ майдон эди. Кўли гул қурувчиларимиз саъй-ҳаракати билан гўзал ва шинам масканга айланыпти. Наврўз айёми муносабати билан 10 та тўрт хонали уй-жой эгаларига топшириляпти.

Президентимизнинг 2010 йил 17 июндаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-

жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан қатор ўзгартиришлар киритилди. Шу жумладан, уй олдидаги майдон — томорқа, бошқа қўшимча қурилишларга 6 сотихдан ер ажратилди. Қурувчилар тили билан айтганда, бу ерда мукамаллашган вариантдаги лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши давом эттириляпти.

Жамият қурувчилари Обод турмуш йилида тумандаги Янги Чиноз қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 20 та уй-жой қуришни режалаштирганлар.

Қурилиш ишларида катта тажрибага эга бўлган Тўра Мирвалиевнинг йўл-йўриқлари ва мас-

лаҳатлари, айниқса, қўл келяпти. Бош муҳандис Абдухамид Умаров, участка бошлиқлари Ботир Исматиллаев, Анвар Қаюмов, гишт терувчи Раҳматилла Исматиллаев, сувоқчилар Қобил Ортиқхўжаев, Аброр Асқаров, Юнус Маҳкамов ва бошқалар эзгу мақсад йўлида меҳнат қилишяпти.

Ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар, илгорларнинг меҳнатлари ўз вақтида рағбатлантириляётганлиги бунёдкорлик ишларининг жадал олиб борилишида муҳим омил бўлмоқда.

Аҳмаджон РИХСИБОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири,
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

«ГАЛЛА-АЛТЕГ» ОАЖ ЖАМОАСИ

*барфа юрtdошларимизни, эрмладан, дастурхонларимиз пўкин-содмилли,
ризқимиз бутунлиги йўлида эсонбозлик кўрсатяётган миришкор
деҳқонларни, Заҳматкаш фермерларни атрофга ўзгала нафосат, ифоро
ва фусункорлик бағш этган фасилар келтилат баҳорининг энг улуғ
айёми — Наврўзи олам билан самимий қўтлайди.*

*Шижоатли, меҳнатсевар халқимизнинг толеми
бундан-да баланд, ишлари бафори, эртани кунни
шоду хуфрамлик, хотиржамлик ва файзи барака
нурлари ила мунаввар бўлишини тилайди.*

**Наврўз — бу гўзаллик, демак, нафосат,
Меҳр-оқибатнинг мезони — Наврўз.
Наврўз — бу саховат, файзу баракот,
Элимнинг ҳар куни, ҳар они — Наврўз!**





Наврўзи олам муборак бўлсин!



**«ЎЗПАХТАСАНОАТ»
УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

**юртимиз аҳлини гўзал баҳор байрами
билан табриклайди. Барчангизга
мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат
тилайди. Ўтган йили 3 миллион
460 минг тоннадан зиёд “оқ олтин”
ийнштириб, давлатга пахта сотиш
бўйича йиллик шартнома
мажбуриятларини шараф билан
баярган мамлакатимиз пахтакорлари
Обод турмуш йилида бундан-да катта
ютуқларни қўлга киритсин!**



ЯХШИЛАРНИ ЭЛ ЁДИДА САҚЛАР ЭКАН

Юртимизга яна баҳор келди. Куйчи булбулларнинг дилхуш навосидан кўнгиллар завқу шавққа тўлди. Қизғалдоқлар қирларнинг бағрига ловуллаб чиқишди. Наврўз ўзининг таровати билан оламга файзу барака ато этди. Сирли жилоланиб оқаётган шаршаралар сеҳрига маҳлиё бўлиб сизни эсладик. Кечагина шахду шижоат билан мана шу мафтункор она замин қучоғида елиб югураётган эдингиз. Бугун-чи? Бугун табаррук тупроғингизни ардоқлаб майсалар шивирляпти. Йўқ-йўқ шивирламапти. Улар гўё бу тупроқда ўзининг эзгу амаллари билан нурли из қолдирган инсоннинг руҳи покини шод айлаши учун тиловат қилаётгандек эди.

Мулла тўрғайларнинг завқи булбулларникидан қолишмайди. Айвонларимизга соғинч тўлдириб учаётган қалдирғочларнинг қувончи дунёга сиймайди. Улар лой ташияпти. Юртнинг тупроғини ўпиб ардоқлаб ташияпти. Қушларнинг садоқатига қойилман. Айниқса, кумриларнинг зорли илтижолари киши юрагини тилка-пора айлайди... Март, ҳаммамиз учун қадрдон бўлган байрамлар ойи. Ҳамал сирли сепини борлиққа кўз-кўз айлаб келган гулкор фасл. Мана шу қадрли ойнинг кунлари орасида сиз дунёга келган кун бор. Дўсту ёрларингиз ҳар йили у кунни завқу шавқ билан кутиб олишарди. Хонанинг тўрини тўлдириб ўтирсангиз кўнгиллари тоғдек кўтариларди. Бугун яна ўша мўътабар кун келди. Аммо афсуски, сиз йўқсиз. Гарчи ўрнингиз бўшлиғи сезилиб турса-да, давомчиларингиз уни билинтирмасликка ҳаркат қилаяпти...

Асалариларнинг физиллаб гулдан-гулга кўниши бизнинг ҳам яшашга иштиёқимизни оширяпти. Сўзни, ширин хотиралар оғушига маҳлиё бўлиб сиз униб-улгайган, бетақдор тупроқдан бошлашга қарор қилдик. Сангардак Сурхон воҳасининг сўлим гўшаларидан. У ердан эрта баҳордан кеч кузгача сайёҳларнинг қадами узилмайди. Пурвиқор тоғлар, дил очар боғлар, беқиёс шаршаралар, сайроқи кушларнинг парвозидан кўнгил яйрайди. Инсоннинг камолотида маконнинг ўрни муҳимдир. Бир пайтлар, мана шу саховатли замин ардоғида кўчаларни тўлдириб бир шўх, ғайратчан ва зукко болакай улгайган эди. У салобатли тоғлар виқоридан соҳир шаршаралар завқидан куч йиғиб ўсди.

Ёшлигида ўқитувчилари унинг шўхлиги ва қизиққонли-

гини назарда тутибми унга нуқул:

– Сен кулоғига гап кирмайдиган кулоқсиз боласан, шу юришинг бўлса келажакда ким бўласан, – дерди.

Ким ҳам ўйлабди, ўша устозларини хавотирга солган гурури баланд, ориятли бола бир кун келиб ҳамюртларининг фахр-ифтихорига айланишини...

Сурхоннинг тўйлари ҳеч қачон олишсиз – курашсиз ўтмайди. Ўз маҳоратини илк бора майдонларда полвонлик синовларидан бошлаган Фахриддин ака ор учун курашга чиққанда доимо унинг кўли баланд келарди.

Фахриддин аканинг ибратга арзиғулик яхши хислатлари жуда кўп эди. У киши аграр соҳани яхши кўрар, ерни ва чорвани жону дилдан ортиқ ардоқлар эди. Эл орасида танилган фермер табиатга чин дилдан меҳр кўйган инсон эди. Бунинг устига, истиқлол туфайли, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар боис унинг бу соҳага меҳри янада ортди. Ўрмон хўжалигидаги ноёб дарахт ниҳолларини уруғидан кўпайтиришни илк бора йўлга қўйган эди. Фахриддин Низомиддинов, айниқса, наслчиликни ривожлантиришга жуда қизиқарди. У фермер хўжалигида зотдор отлар ҳамда ҳисори кўйларнинг наслини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Уни каттаю кичик бирдай ҳурмат қилар, сабаби у киши кам таъминланган эҳтиёжманд кишилар ва оилаларга беминнат ёрдамни аямасди. Бу дунёда қилинган ҳар бир яхшилик вақт-соати келиб ўз ҳосилини беришининг гувоҳи бўлди. Зеро, Фахриддин ака ҳақида кимни суҳбатга тортмайлик, унинг қилган яхши амаллари ҳақида сўзлайди.

– У кишининг ёрдами барчага бирдай теккан, мард, тан-



ти ва саховатпеша ўғлон эди, – деб фахр билан эслади Ўзбекистон Қаҳрамони, кекса деҳқон Иброҳим Файзуллаев.

Баланд тоғлар бағридан баланд бўлиб яшаш завқини олган Фахриддин аканинг болалиги Сангардаксойнинг тошқин сувлари янглиғ жўшқин ўтди. Гарчи у жуда қисқа умр кўрган бўлса-да, эл-юрт равнақида дахлдор бир қанча катта савоб ишларни амалга оширишга улгурди. Ўзидан эзгуликларга йўғрилган ёрқин из қолдирди. Унинг, айниқса, отларга меҳри бўлакча эди. У қорабайир отларни парвариш қилишни хуш кўрарди. Сурхон тўйларида чавандозлар улоқни тортқилаб чопганда ёш болалар каби қувончини яширолмай ҳайқириб-қичқирганининг кўплаб маротаба гувоҳи бўлганмиз.

Кўпқари тезда тугаб қолмаслиги учун ўз ёнидан зот кўйиб, давраларни қиздирарди. Фахриддин аканинг энг ажойиб хислатларидан яна бири илм аҳлини, илмга интиланларни хуш кўриши эди. Шу боисдан кўплаб юртдошларига ёрдам кўлини чўзиб, ёшларнинг илм олишига кўмаклашган. Кейинчалик – “Сен кулоқсиз бола эртага ким бўласан”, дея хавотир қилган устозлари ҳам унинг кўпгина хайрли ишларидан қувониб “ўзимнинг суюкли шогирдим”, деб гапиршдан чарчамас эканлар.

Ҳа, чиндан ҳам Фахриддин ака қисқа умри давомида кўпгина хайрли ишларга эришди, десак хато бўлмайди. У қанчадан-қанча баланд иморатларнинг илк фиштини кўйган инсон. Равон йўллар,

бежирим кўприклар, ўнлаб билим масканларининг бунёдкорига айланган.

У киши ҳокимият тизимида ишлаб юрган кезлари мен хўжаликнинг бош ҳосилоти бўлиб ишлаган эдим. Тумандаги барча йиғинларда бошқош бўлиб юрадиган Фахриддин аканинг овозини баландлатиб, ноҳўя сўз ишлатганини сира эшитмаганман...

Орадан кўп йиллар ўтиб, яъни Тошкентда ишлаб юрган кезларимда хизмат сафари билан Сариосиёга бордим. Фахриддин ака тиббиёт касб-хунар коллежи бунёд этилишида қурувчилар ишини назорат қилиб турган чоғлари эди. Биз узоқ суҳбатлашдик. У киши менга пахта далаларида ишлаб юрган кезларимни эслатди. Ҳосилотлик пайтларим ҳоким бува куйиб кетган пахта майдонларини кўриб, асабийлашганда, чорасизликдан, яъни уни юпатаман, деган фикр билан “Майлими, бир шеър ўқиб берсам”, деганимни эслаб, роса кулишдик. Кейин ҳоким бува катта йиғинда: “Сафар Кассиров номли хўжаликка борсам, ниҳоллар сувсизликдан қовжираб ётибди. Унинг бош ҳосилотидан пахтани сўрасам, у менга шеърини кўрсатди”, дея калака қилганди. Ҳокимнинг гапи анча пайтгача раҳбарларнинг тилида юрди. Фахриддин ака ҳар гал мени кўрганида: “Агроном, ниҳоллар сувсизликдан куйиб кетмаяптими?” дея ҳазиломуз сўрарди. Мен эса, шеър ўқиб беряпман, дея ҳазилга ҳазил билан жавоб берардим...

Айни дамда Фахриддин ака бир пайтлар қурилишида бош-

қош бўлган билим масканлари сари юртнинг келажаги бўлмиш ёшларимиз илм олишга ошиққанларида, бу дунёда одамзоддан қоладигани унинг элга қилган яхшиликларини эзгу амаллари экан, деган хаёлга бордим. Бугун у кишининг хайрли ва эзгу ишларини фарзандлари ва шогирдлари давом эттираётгани, оилада шу кунларда дунёга келган невар келажакда ўз авлодларининг ҳақиқий “ифтихори”га айланишидан умидвор бўлиш кишининг кўнглига таскин беради. Зеро, унга Ифтихор дея исм қўйилишида ҳам шундай хайрли ниятлар мужассам...

...Сангардакнинг сабр қилмас шамолидай,
Боботоғнинг шомда чиққан ҳилолидай,
Шаршаранинг бизга берган саволидай,
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, Офа?!

Тулпорларнинг ёлларидан
ўйнайди нур,
Чўққилардан ранг олганда дилда ғурур.
Хумо юртни кучганига айлаб шукур,
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, Офа?!

Фахр этар эл Фахриддин боласидан,
Тоғлар титрар Сангардаксой ноласидан.
Ой айлансин сочларингиз толасидан,
Сиз кетдингиз қай манзилга шошиб, Офа?!

АХТАМҚУЛИ

АЗИЗ ҲОҲДОШЛАР!

Сизларни яшарини ва янгилашини байрами — Наврўзи олам билан гин қалбдан туборақбод этамиз. Обод турмуш йилида кўнгилларимизга бир олам қувонг ва шоду хуррамлик билан кириб келган баҳорий байрам кайфияти асло тарк этмасин! Муस्ताқил юртимизнинг норлоқ истиқболи, буюк келажаги йўлида олиб бораётган эзгу ишларингиз бардавон ва баракали бўлсин!

«АМУ-БУХОРО» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Тошкент Вилояти

О Орамиздаги одамлар

Эрматовлар сулоласининг хайрли ишлари

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Чиноз туманида ҳам фермер хўжалиklarининг ташкил этилишига имкон яратиб берди. Чинозлик мулкдорлар ҳам ўзларининг меҳнатлари, етиштираётган маҳсулотлари билан юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, халқимизнинг дастурхонини тўкин қилиш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Ана шундайлардан бири – “Усмонобод” фермер хўжалиги раҳбари Усмонобек Эрматовдир. У киши кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, нафақага чиққан. Ҳозирги пайтда барча ишларда ўғилларига бош-қош.

– Ота-оналар ҳамisha фарзандларининг камолини кўришни орзу қилишади. Мен учун ҳамisha зурриёдларим куршовида бўлиш, улар билан далада ишлаш роҳат. Эрта баҳорда эккан экиннингизнинг кузда бўлиқ ҳосилини кўргач, меҳнатингиз натижасидан қувонасиз. Бу фаровонлик тимсолидир, – дейди Усмонобек ака. – Эрта баҳорда далалар ўзгача кўринишда бўлади. Ердан кўтарилаётган тафт, ҳайдалган далани кўриб, тупроқ исини ҳидлаб роҳатланаман, ўзимни қушдек енгил ҳис қиламан.

Олмазор қишлоғида фаолият олиб бораётган ушбу фермер хўжалигининг 147 гектар ери бор. Унинг 57 гектарыда пахта, 50 гектарыда ғалла етиштирилади. Ўтган йили ҳар гектар ҳисобига 40 центнердан ҳосил олган хўжалик пахтачиликдан 60 миллион, ғаллачиликда эса ҳар гектаридан 65 центнердан дон етиштириб, 40 миллион сўм фойдага эга бўлди.

– Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида биз фермерлар олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди, – дейди Усмонобек Эрматов. – Бугунги фермер нафақат хом-



ашё етиштирувчи, балки уни қайта ишлаши зарурлиги ҳақида тўхталганларида тўлқинланиб кетдим. Боиси, хўжалигимиз пахта, ғалла етиштирибгина қолмай, чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Биз чорва молларини боқиб, етилганларини бозорда сотардик. Юртбоши-

мизнинг сўзларини эшитгач, ўғилларим билан кенгашиб, гўшти қайта ишловчи кичик корхона қуришга аҳд қилдик. Бунинг учун банкдан кредит олишга зарур бўладиган ҳужжатларни тайёрладик. Насиб қилса, апрель ойида Хитойдан гўшти қайта ишловчи технологияни олиб келамиз.

Ҳа, Усмонобек аканинг ниётлари катта. Юқоридаги ишларни амалга ошириш мақсадида фермер хўжалиги қошида 200 бош молга мўлжалланган бўрдоқчилик базасини бунёд этиб, ҳозирда у ерда 150 бош қорамол боқилипти. Хўжаликни юритишда у киши 5 нафар ўғлига суянади. Катта ўғли Улуғбек иқтисодчи, Ойбек зоотехник, Акмал, Отабек, Элбеклар машина ва техникаларни бошқаришади.

Отанинг турмуш ўртоғи Тамара опа узоқ йиллар ўқитувчилик қилди, ҳозирда нафақада. Онахон фермерликнинг яна бир тармоғи – сабзавотчиликда келинлар – Нодира, Дилнора, Сурайё, Моҳигул, Дурдоналарга бош-қош бўлиб, 50 сотих иссиқхонада турли ноз-неъматлар етиштиришапти.

Шоир айтганидек:

**Фарзанд эрур оила
боғида ниҳол,
Ундан кулиб боқар
бахт ила иқбол.
Қолдирса агар у яхши
деган ном,
Эл ичра обрўйи ошар
батамом.**

Қишлоқ мулкдори сифатида ризку-насиба яратиб, шу аснода юртдошларимиз ҳаёти фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Усмонобек ака ва аҳил оиласининг ишларига омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Аҳмаджон РИХСИБОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.**

Қутлуғ айём — Наврўзи олам муборак!

*Обод турмуш йилида меҳнатларимиз янада
барақали, ҳаётимиз фаровон, қалбларимиз шоду
хуррамликка тўла бўлсин! Меҳнатсевар, танити
халқимизга, унинг аҳилигига асло кўз тегмасин!*

**«КОСОН ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ
ҚАБУЛ ҚИЛИШ» МЧЖ
ЖАМОАСИ**



Қорақалпоғистон Республикаси

Ўтган Мустаҳкам оила йили Чимбой туманидаги «Ҳабибулла махсим» муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги фермер хўжаликлари учун омадли якунланди. Бугунги кунда ушбу ҳудудда 34 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Улардан 28 таси пахтачилик ва ғаллачилик, 4 таси боғдорчилик ва 2 таси чорвачилик билан шуғулланиб келмоқда. Фермерлар ўтган йили 270 гектар майдонга чигит экиб, режадаги 476 тонна ўрнига 701 тонна пахта топширишди. Шартномавий режаларини ортиғи билан уддалашди. Турдубой Қарлибоев раҳбарлик қилаётган «Ерман оталик», Абат Бекберганов раҳбарлик қилаётган «Нурланбек Бекберганов», Баҳодир Ўтениёзов раҳбарлик қилаётган «Жиямурод бобо Дониёрбек» ва бошқа бир қатор фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 35-40 центнерданга тўғри келди.



— Ўтган йили пахтачиликнинг ўзидан 52 миллион сўм даромад олиб, шундан соф фойдамиз 35 миллион сўмни ташкил этди, — дейди «Ерман оталик» фермер хўжалиги раҳбари Турдубой Қарлибоев. — Агротехник тадбирларни ўз вақтида самарали олиб боришимиз натижасида пахта ҳосили мўл бўлди. Бу ютуқларга эришимизда мамлакатимизда фермерларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим омил бўлди, деб биламан.

Дарҳақиқат, фермерлар бугун ҳақиқий ер эгаларига айланмоқда. Фермер хўжалигимизда 18 нафар киши доимий иш билан таъминланган. Жорий йил экиш мавсумига тайёргарлик кўрдик. Пахта экиладиган майдонлар ғўзапоялардан вақтида тозаланиб, шудгорланди ва суғорилди. Бу йил 30 гектар майдонга чигит экишни режалаштирганмиз.

Абат Бекберганов раҳбарлик қилаётган «Нурланбек Бекберганов» фермер хўжалиги ҳудуддаги илғор хўжаликлардан ҳисобланади.

— Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар, фермер хўжаликларига берилаётган имтиёзлар бизни мамнун этмоқда, — дейди фермер Абат Бекберганов. — Айниқса, ўтган йили Фермерлар кенгашларининг ташкил этилиши ушбу ислохотларнинг самараси деб биламан. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони биз фермерларга кенг имкониятлар яратиши билан бирга катта масъулият ҳам юклади. Хўжалигимизда бугунги кунгача пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланиб келишган бўлса, эндиликда чорвачиликни ҳам

ривожлантиришни мақсад қилиб олганмиз. Фермерлар бир соҳа билан банд бўлиб қолмасдан, кўп тармоқли бўлгандагина иши ривожланади, молиявий барқарор бўлади.

«Ҳабибулла махсим» муқобил машина-трактор парки раҳбари Камалатдин Абдреймов. —

Узақов, Рустам Қурбонов, Қуваниш Туктибаев, Баҳодир Дуйсенбоевлар астойдил меҳнат қилмоқда. Ҳар бир кундан самарали фойдаланиш, ишчиларга қулай шароит яратиш мақсадида

масъул котиби Осербой Тажмуратов. — Ҳудудимизда 4 та мактаб, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 4-асаб касалликлари диспансери, битта Мурувват уйи, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият олиб бормоқда. Мустақил мамлакатимизнинг барча жойларидаги каби бизда ҳам кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди қошида тикувчилик цехи очилиб, унда 4 нафар киз иш билан таъминланган. Есенбой Отениёзов ота касбини давом эттириб, оиласи билан ҳамкорликда бешик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Ҳалима Каримбердиева уйда қорақалпоқ ўтови безакларини тикмоқда. Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни таъминлаш бўйича янги лойиҳаларнинг амалга ошишига хизмат қилмоқда.

Тағжап қишлоғи ўзининг моҳир чавандозлари билан ҳам машҳур. Жузбой Сейтов, Марқабой Худаяров, Буркитбой Тоғаев, Абдиўат Жуббаев каби чавандозлар нафақат мамлакатимизда, балки қўшни мамлакатларда, хусусан, Қозоғистон Республикасида ўтказилган мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўтадиган ҳар бир байрам тадбири, тўй-томошалар от чопиш, кўпқари каби мусобақаларсиз ўтмайди. Чунки чавандозлик отадан болага мерос бўлиб келмоқда. Умумхалқ Наврўз байрами ҳам қизиқарли тадбирларга бой бўлмоқда.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Нияти улдуанина — қадами кўтилме

«Ҳабибулла махсим» муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги фермер хўжаликларида кўп йиллик тажрибага эга фермерлар билан бирга тиришқоқ ёшлар ҳам раҳбарлик қилиб келаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўтган йили пахта топшириш бўйича шартномавий режасини биринчилардан бўлиб бажарган «Жиямурод бобо Дониёрбек» фермер хўжалигига ота касбини давом эттириб келаётган Баҳодир Ўтениёзов бошчилик қилади. Фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги гектаридан 35 центнерни ташкил этди. Жорий йил ҳосили учун 19 гектар майдонга экилган ғалланинг агротехник тадбирлари ўз вақтида олиб борилмоқда. Фермер хўжалиги ихтиёридаги «ТТЗ-80», «Т-28» ва «Алтай» русумли тракторлар таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шай этиб қўйилди.

— Қишлоқ хўжалиги техникалари марказий устахонага олиб келиниб, таъмирлаш ишлари бир жойда марказлаштирилган ҳолда олиб борилди, — дейди «Ҳабибул-


Техникаларни таъмирлаш ишларига 25 нафар ишчи қатнашди. Улардан Жалғас



устахонанинг ўзида иссиқ овқат ташкил этилган. Экин майдонларида кузги-қишки тадбирлар самарали ўтказилди. Ўтган йили пахта топшириш бўйича шартномавий режасини биринчи бўлиб уддалаган фермерларимиз Обод турмуш йилида ҳам барча жабҳаларда муваффақиятларга эришишни мақсад қилишган. Фермерларимиз пахтачилик билан бирга ғаллачиликда ҳам йилдан-йилга тажриба орттириб келишмоқда. Жорий йил ҳосили учун экилган 360 гектар майдондаги ғаллани парваришлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозир ғалла майдонларининг ҳар гектари учун 5 тоннадан маҳаллий гўнг чиқариб, минерал ўғитлар билан озиклантиридик.

— Фермерларимизнинг фаоллиги қишлоқ аҳолиси ҳаёти фаровонлашуви, кўплаб хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиши, янги иш ўринлари яратишда намоён бўлмоқда, — дейди Тағжап қишлоқ фуқаролар йиғини





*Азиз ватандошлар!
Сизларни баҳор айёми — Наврўзи олам
билан самимий муборақбод этамиз. Ёўзал,
осуда ҳаётимизга асло кўз пегмасин!
Байрамлар байрамларга уланиб, пуфмушимиз
бундан-да фаровон бўлсин.*


«Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси қошидаги насос
станциялари, энергетика ва алоқа
бошқармаси жамоаси

СУРХОНДАРЁ МАРКАЗИЙ ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ТАРКИБИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ЖАМОАСИ

*барга ҳамюртларимизни гўзаллик, эзгулик, меҳр-оқибат ҳамда
халқимизнинг азалий урф-одаи ва анъаналарини ўзида
муҳассам этган Наврўз байрами билан қизгин қўтлайди. Соҳа
ходитларига Она юртимиз табиатини аслидек асраш, унинг
мафтўнкорлиги ва бетакрорлиги дахисизлигини таъминлаш
йўлида куч ва зайрат, фидойилик ёр бўлишини тилайди.*

Тўполончи шамол тинчиди, тинди,
Унинг совуқ сасин этганча бекор.
Қарасанг, кўзларинг куйдириб, энди
Гулханлар ёқмоқда қирларда баҳор.
Шабада шу ўтга урилиб кетиб,
Қўлини куйдириб югурди, елди.
Бу қадим дунёга чирой бахш этиб,
Қумурсқа, қалдирғоч, кабутар келди.
...Қумлоқми, тошлоқми, кўкламнинг мулки,
Бугун одам юрмас ерда ҳам баҳор.
Яна авжга чиқди ўйину кулги,
Дилларда, тилларда, шеърларда баҳор...

Равшан ФАЙЗ



МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ»

акциядорлик компанияси жамоаси

барчангизни яшариш, янгилашни айёми –

Наврўзи олам

билан табриклайди. Ўтган йили 7 миллион 500 минг тонналик улкан хирмон бунёд этган мамлакатимиз ғаллакорларининг жорий йилда бундан-да катта ютуқларга эришишларини тилайди.

*Зорини буюклигини билди кенг жаҳон,
Тўлди амборларини ўз донини билан.
Сийлайсан оламни ёзиб дастурхон,
Меҳнатдан яраган шу нонини билан.*

«Қорақалпоқшаробсаво» база унитар корхонаси жамоаси

*барча юрtdошларимизни Наврўз ғурӯҳатқ байрамини билан
самимий мубораққод эшадди. Обод турмуш йилида
деҳқонларимизнинг хирмони баланд бўлиб, хонадонларидан
файзу бағрака афимасин, дастурхонларимиз пўкми-соғини,
ризқу насибамиз бутун бўлсин! Янгилашни, яшариш айёми
ҳар биримизга омад олиб келсин!*

Тошкент вилояти

Қутлуғ уз бор

БИНОНИНГ ҲАР БИР ФИШТИДА...

...Қадимда бир сеҳргар бўлиб, унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ экан. Истаса, тап-тақир чўл ўрнида денгиз ярата оларкан. Яланг жойда қаср барпо қилиш ҳам унинг учун арзимас юмуш саналаркан. Аммо бу ишлардан унинг кўнгли сира тўлмас экан.

Кунларнинг бирида у одамларнинг бахт ҳақидаги фикрларини билмоқчи бўлиб, йўлда қоп орқалаб кетаётган бир кишидан шу ҳақда сўрабди. Йўловчи “Мана шу қопимни манзилга

махалла гузарига ёки меҳнат жамоаси ҳузурига борманг, албатта, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш каби хайрли ишлар устидан чиқасиз.

– Наврўз айёмининг

беришади.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан улар вилоятдаги Қибрай, Зангиота, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларни сифатли фишт билан таъминлаб келишмоқда. Шунингдек, Зангиота туманидаги туғуруқхона, Қуйи Чирчиқ туманидаги шифохона ҳамда шу тумандаги пиллаҳона қурилишига ҳам ўз вақтида фишт етказиб беришпти.

Ўтган йили жамоа ишчи-хизматчилари қурилиш объектларига 2 миллион 650 минг дона фишт етказиб берган бўлсалар, жорий йилда бу кўрсаткични 3 миллион донага етказишга аҳд қилишган. Бу борада бош муҳандис Шамсиддин Валиев, бош механик Абдуваҳоб Фозилов, Абдурашид Абдукаримов, Норқўзи Нормирзаев, Ёдгор Муқимов, Камолиддин Баҳромбоев каби ишбошилар, бульдозерчи Карим Холматовларнинг меҳнатлари мақтовга лойиқ.

Шу ўринда корхона раҳбари Анваржон Азимов ҳақида икки оғиз сўз. У жамоага раҳбарлик қилиши билан бирга вилоят ва туман ижтимоий ҳаётида ҳам фаол қатнашади. Шўралисой қишлоғидан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига депутат этиб сайланган. Анваржон туман Кенгашининг sanoat, transport, қурилиш, ком-



олиб борсам, мендан бахтли одам бўлмайди”, деб жавоб берибди. Сеҳргар унга ўзининг хунарларини кўрсатишга ҳаракат қилибди. Йўловчи “Ҳамма нарсага меҳнатсиз, пешона тери тўкмасдан осонгина эришаверсанг, бахт нималигини ҳеч қачон билмайсан”, дебди. Ҳақиқий бахтни юракдан ҳис қилишга аҳд қилган сеҳргар йўловчининг қопини орқалаб йўлга тушибди. Манзил узоқ экан. Сеҳргар чарчаб, ҳориб-толиб манзилга етиб келибдию, ўзини ерга ташлаб, чалқанча ётиб олибди. Йўловчи ундан, бахт нима эканлигини энди билгандирсан, дея сўрабди. Сеҳргар пешонасидан реза-реза терни артиб, бахтнинг нима эканлигини энди тушундим, бунинг учун сенга катта раҳмат, деб йўловчига миннатдорчилик билдирибди. Шундан кейин сеҳру жоду ишларини ташлаб, ўз қўли билан уй қуришга киришибди. Қуёш чиқмасдан бурун дала, боғларга сув тарайдиган бўлибди. Зерикарли кунлари қувончга тўлибди.

Янгийўллик тадбиркорлар ҳақида ўйлаганимда негадир мана шу ривоят бот-бот ёдимга тушади. Бунинг боиси, улар меҳнатсеварликлари, янгиликларга чанқоқликлари билан ажралиб туришади.

Наврўз кунларида Янгийўлнинг қайси қишлоқ,

сурури ва шукуҳи каттаю кичик дилига яратиш иштиёқини солган, – дейди “Файратбек” масъулияти чекланган жамияти раиси Анваржон Азимов. – Давралардаги гурунлар, ўзаро суҳбатлар мазмуни ҳам шу ҳақда.

Истиқлол туфайли юртимизда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳару қишлоқ-



ларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, йилдан-йилга кўркамлашиб бораёпти. Кенг ва равон йўллар ва маъмурий бинолар, замонавий турар-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари бинолари, бир-биридан гўзал тўйхоналару маиший хизмат ва савдо шохобчалари, бунёд этилмоқда. Уларнинг бари элу юртимизнинг фаровонлиги учун қилинаётган эзгу ишлардир. Ана шу эзгу ишларда “Файратбек” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам ҳиссаси бор. Жамоа ишчи-хизматчиларивилоятдаги йирик қурилишларга фишт етказиб

мунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари билан шуғулланиш комиссияси аъзоси сифатида маҳалла ва гузарларни ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқда.

Дарҳақиқат, янгийўллик тадбиркорларнинг эзгу ишлари эътиборга молик. Улар ҳар дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишаётир. Зеро, бугунги кун инсонлардан мана шундай фазилат эгаси бўлишни талаб қилмоқда.

Аҳмадjon РИХСИБОЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.
P.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Қутловимиз сизга, азизлар!

Ватандошларимизни қадимий байрамимиз — Наврўзи олам билан самимий қутлаймиз.

Жамоамиз Обод турмуш йилида бунёдкорлик, яратувчилик ишлари кўламини кенгайтиришга бел боғлаган. Юртимиз янада обод, дастурхонларимиз тўкин, ҳар бир хонадонда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлишини ният қиламиз.

«ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТРЕСТИ ТИЗИМИДАГИ
«НУРЭЛЕКТРОМОНТАЖТАЪМИР» МЧЖ ЖАМОАСИ



Азиз юртдошлар!

Сизларни яратиб, яшарин байрами —
Наврўз айёми билан самимий
муबारакбод эitamиз.

ЎСилловсиз тойлоқдек югураб қишнаб,
Қиш бўйи эснаган эринлоқ сойлар.
Кетинлаб уйидай кетади яшнаб,
Баҳор бисотидан кўрна саройлар.

Хонадонларимиз обод, шаҳар ва
қишлоқларимиз бундан-да ўзгал, халқимиз
турмуши янада фаровон бўлсин!

ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ
КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Фарғона Вилояти

Наврўз руҳи кезиб юрган шу кунларда Зоҳидон шаҳарчасига қараб йўл олдик. Бунинг боиси ўтган йили “М.Топиболдиев” муқобил машина-трактор парки ҳудудида фаолият кўрсатаётган “Мамажон” фермер хўжалиги аъзолари пахта ва ғалла етиштириш бўйича кўпчилик ҳавас қиладиган даражада юқори ҳосилдорликка эришишган эди. Хусусан, ғаллачилик бўйича гектар бошига 81,3 центнердан, пахтачиликда эса 50,1 центнердан ҳосил олишганди.

Мазкур фермер хўжалигининг экин майдонлари Чўлигулистон қишлоғи билан туташиб кетади. Шу боис, унинг экин майдонларида чўлигулистонликлар ишлашади. Фермер хўжалигига Набижон Амиров етакчилик қилади. У билан қўл телефони орқали боғландик. Фермер айна чоғда хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан бирида эканлиги ва тез орада ишини битказиб, етиб боришини айтди.

— Фермер хўжалигимизнинг ер майдони 105 гектарни ташкил этади. — дейди иш юритувчи Валижон Амиров. — Ўтган йили 60 гектарда бугдойнинг “Крошка” навини парваришлаб, мўлжалдагидан анча ортиқ ғалла хирмонини яратдик. Давлат эҳтиёжи учун 201 тонна ғалла сотиб, 100 тоннадан ортиқ ғалла фермер хўжалиги ихтиёрига қолдирилди. Ғаллачиликда эришилган меҳнат ютуқлари ўз навбатида пахтачилик соҳасига ижобий таъсирини кўрсатди. Натижада кўзда тутилган 154 тонна ўрнига 227,7 тонна пахта хирмони бунёд этилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми биринчи навларга, айниқса, уруғлик учун 55 тонна пахта сотилганлиги моддий манфаатдорлигимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди. Натижада фермер хўжалигимиз учун янги техника ва механизмларни сотиб олишга эришдик.

Фермер хўжалигининг мўъжазгина дала шийпони ёнбошида яп-янги “ТТЗ-80-11” культиватор тракторидан ташқари яна худди шундай русумдаги трактор, “ТТЗ-80-10” транспорт трактори, “Класс-Доминатор” дон ўриш комбайни ҳамда қишлоқ хўжалиги юмушларида ишлатиладиган бир қатор механизмлар киши эътиборини тортади.

Шаҳринисо она билан кечган суҳбат жараёни, айниқса, эсда қоладиган даражада бўлди. Оддий деҳқон бўлган Мамажон ота Амиров ҳаётдан эрта кўз юмади. Оиладаги беш

фарзанд, яъни икки қиз, уч нафар ўғил тарбия-



Она дуосининг хислати

Замондошларимиз

си Шаҳринисо она зиммасига тушади. Жонли тилимизда “Осмон йироқ, ер қаттиқ” деган ибора бор. Шаҳринисо она “Осмондан чалпақ ёғиши”га умид қилмади ёки ўзгалардан меҳр-мурувват кутиб яшамади. У далага чиқди. Деҳқончилик ишларига жон-дили билан киришиб, тенгдош дугоналарига нисбатан икки ҳисса ортиқ ишлади. Ҳалол ва астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини бериб, рўзгорга қут-барака кирди.

Кунлар, ҳафталар, ойлар, фасллар, йиллар бир-бирини қувиб ўтди. Бу орада фарзандлар бирин-кетин вояга етиб, оналари ёнига киришди. Оиладаги қизлар баалоғат ёшига етиб, турмушга узатилди. Ўғил болаларнинг эса бўй-бастлари чўзилиб, пахлавон йигитлар бўлишди. Катта фарзанд Аҳмаджон ме-

ханизаторлик касбини танлаб, далага чиқди. Ўртанча ўғил Набижон эса Фарғона педагогика институтига ўқишга кириб, олий маълумотли педагог-муҳандис мутахассислигини эгаллади. Кенжа ўғил Валижон қишлоқ хўжалиги техникумини битирди.

— Дангаса, иш ёқмас одамларни ҳеч ким ёқтирмайди, — ортда қолган кунларини ёдга олади Шаҳринисо она. — Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Мамадали ака Топиболдиев билан қариндошлик жойимиз бор эди. У кишини ҳозиргача кўпчилик ҳамқишлоқларимиз чин инсон, қолаверса, яхши раҳбар сифатида эшлашади. Бизнинг қишлоқ ҳам ўша кишининг ташаббуси билан барпо этилган. Қишлоққа Мамадали аканинг ўзлари Чўлигулистон деб ном берган эдилар. Ўшанда чўл ўрнидаги қишлоққа ўн-ўн беш чоғли ёш оилалар кўчиб келгандик. Эндиликда қишлоғимиз ҳар тарафлама кенгайиб, ривожланиб, унинг аҳолиси сони бир неча баробарга ошди. Беш фарзанд ортидан қўша-қўша набиралар кўрдим.

Халқимиз “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”, дейди. Шаҳринисо онанинг меҳнатлари зое кетмади. Аҳил оилада камол топган барча фарзандлар марҳум отаси, турмушнинг аччиқ-чучугини енгиб ўтган онаси каби меҳнаткаш, ҳалол инсон бўлиб, эл-юрт ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонишди.

— Падари бузрукворимиз оддий деҳқон бўлган эдилар, — дейди фермер Набижон Амиров. — У замонларда бир

парча ерга эгалик қилиш ҳуқуқи нафақат оддий сувчи, ҳатто жамоа раисига ҳам берилмаган. 2000 йили фермер бўлдим. Яхши ният билан фермер хўжалигига отамнинг номини бердик. Волидам дуога қўл очиб, ишимизга ривож тиладилар. Биринчи йили хўжалигимизнинг ер майдони 34 гектар бўлиб, аъзолари сони 17 кишидан иборат эди. Биронта ҳам техника воситаси бўлмаганди. Аҳмаджон акамнинг моҳир механизатор бўлганлиги, укам Валижоннинг деҳқончилик ишларига

ларидан Келсиной Кўчқорова, Муҳаррам Болтабоева, Гулчеҳра Содикжонов ва бошқаларнинг фидокорона меҳнатларига таҳсинлар айтиш жоиз. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб, бу борадаги ютуқларни мустаҳкамлаб боряпмиз. Жорий йилга келиб экин майдонимизга яраша фермер хўжалиги аъзоларининг сони 57 нафарга етди. Шунингдек, фермер хўжалигимиз ҳудудида ўн сотих жойда иссиқхонани ташкил этдик. Бу, ўз навбатида, қўшимча иш ўринларини яратилган ташқари эл-юрт дастурхонига турли ноз-неъматлар етказиб бериш имкониятини беради.

— Шаҳарчамиз ҳудудида 36 та деҳқончилик, 42 та боғдорчилик, 4 та чорвачилик йўналишларидаги фермер хўжаликлари фаолият олиб боради, — дейди Зоҳидон шаҳарча фуқаролар йиғини масъул котиби Расулжон Раззоқов. — Уларнинг аксарияти ўз ишининг миришкорлари бўлиб, ҳар йили давлатга пахта, ғалла, пилла ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турларидан маҳсулот сотишни ортиғи билан бажариб келишади. Бу борада Набижон Амиров бошлиқ “Мамажон” фермер хўжалиги аъзоларини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки у каби фермерларнинг саъй-ҳаракатлари, бевосита моддий кўмаклари туфайли қишлоқ ва маҳаллаларимиз йилдан-йилга обод бўлиб бораётир. Биргина ўтган йили “Мамажон” фермер хўжалигининг ўзи шаҳарчамиз фуқаролар йиғини маъмурий биносида ташкил этилган “Ҳарбий ватанпарварлик музейи”ни қайтадан реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига олти миллион




пишиқ-пухталиги, айниқса, онамизнинг панд-насихатларига амал қилишимиз, қолаверса, фермер хўжалиги аъзоларининг бир ёқадан бош чи-

қариб ишлашлари ўзининг ижобий самарасини бераётир. Бу борада механизатор Хусанбой Содикжонов, сувчилардан Шарофиддин Холиқов, Абдухамид Охунов, Рустамжон Холиқов, фермер хўжалиги аъзо-

Зоҳидон шаҳарчасидан қайтаётиб, баҳор қуёшидан тафт олган далаларга нигоҳ ташладик. Кун сайин баравж ўсаётган ғалла майсалари эса Обод турмуш йилининг мўл ҳосилидан нишона беради. Шунда эл-юрт равнақига баҳоли-қудрат ҳисса қўшаётган Набижон Амиров бошлиқ “Мамажон” фермер хўжалиги аъзоларининг бу йилги деҳқончилик ишларига қут-барака тиладик. Наврўзи оламда қилинган ниятлар ижобатига ишонамиз.

Маъмур МУСУЛМОҶОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.





*Xalq farovonligi
faoliyatimiz mezon*



21-mart

Navro'zi o'lam tивочак!

www.agrobank.uz

Самарқанд Вилояти

УНИВЕРСИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Олий ўқув юртлари талаба ёшлари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий универсиада баҳслари бу йил Бухорода бўлиб ўтади. Айти вақтда самарқандлик талабалар ҳам ушбу йирик мусобақага қизгин ҳозирлик кўришмоқда.

Универсиада мусобақарида вилоят жамоаси спортнинг барча турлари бўйича муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, жамоа 2000 йил Наманган шаҳрида ўтказилган "Универсиада"да учинчи ўринни эгаллаб, "Тико" ва "Дамас" автомашиналари билан тақдирланди. 2004 йил Самарқандда, 2007 йил Тошкентда ўтказилган мусобақаларда ҳам иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб, "Дамас" автомашиналарига сазовор бўлди. Умуман универсиада ўйинларида самарқандликлар 126 та олтин, 134 та кумуш ва 97 та бронза медалларини олишга муваффақ бўлишган. Ана шундай муваффақиятларни қўлга киритишда Самарқанд давлат университети талабаларининг муносиб ўрни бор. Айти пайтда ушбу масканда таълим олаётган талабалар орасида жаҳон, Осиё миқёсидаги мусобақалар совриндорлари, кўплаб республика чемпионатлари ғолиблари бордир. Жумладан, бу ерда миллий кураш спорт тури бўйича жаҳон чемпионати совриндори Бектош Сапаров, муайтай бўйича икки карра жаҳон чемпионлари Фирдавс Холмуродов, Артур Қодиркулов, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Деҳқонбой Гулов, ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпиони Жамшид Тиллаев, камондан отиш бўйича жаҳон чемпиони Ленара Асанова каби спортчиларимиз камол топмоқда.

– Бухорода бўладиган "Универсиада" ўйинларида совринли ўринларни кўзлаб майдонга тушамиз, – дейди жисмоний тарбия факультети декани Бахтиёр Хайдаров. – Бунинг учун вилоятимиз терма жамоаси барча спорт турлари бўйича жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Ҳозирда 12 та спорт тури бўйича мураббийлар, талабалар билан ҳар куни машғулотлар олиб боришяпти. Вилоятимиз терма жамоаси асосан факультетимиз талабаларидан шакллантирилмоқда. Шунингдек, саралаш баҳсларида вилоятимиздаги барча олий ўқув юртлари талабалари орасидан ҳам кўплаб истеъдодлар кашф этилиб, вилоят терма жамоаси таркибига жалб этилди.


Факультет қошида иккита замонавий спорт зали ва майдончалари ҳамда спорт-соғломлаштириш оромгоҳи доим талабалар ихтиёрида. Бундан ташқари, 16 та спорт тўғараги талабалар билан гавжум. Шунинг учун бўлса керак, талабаларимиз республикаимизда ўтадиган барча мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Акбар ҚАРШИЕВ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

**қалбларида яратувчанлик, бунёдкорлик ҳисси
жўш урган, танти ва меҳнатсевар халқимизни
эзгулик, бағрикенглик, хайру саховат каби
олижаноб фазилатларни ўзида жам айлаган
Наврўзи олам билан муборакбод этади.**

**Юртимиз мудом тинч, дастурхонларимиз доимо
тукин-сочин бўлсин. Баҳорий кайфият
кўнглимизни асло тарк этмасин!**



Наманган Вилояти

Норин туманидаги “Норин тола” очиқ акциядорлик жамиятида айти кунларда 292 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Мазкур корхона 21 минг 475 тонна пахта хомашёсини қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, у тумандаги 172 та фермер хўжаликлари билан ўзаро шартнома асосида фаолият юритади.

Корхона ҳаёти билан танишар экансиз, бу ердаги амалга оширилётган ишлар кўлами диққатингизни ўзига тортади.

Бугунги кунда мазкур жамият нафақат пахта хомашёсини қайта ишлаш, балки тумандаги боғдорчиликка ихтисослашган фермер ёки шахсий томорқа хўжаликлари томонидан етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларини сифатли сақлаш имкониятига эга бўлди. Фикримизни ўтган йили корхона ҳудудида 250 тонна сигимли совитчи қурилиши ниҳоясига етказилганлиги ва бу билан қўшимча иш ўринлари яратилганлиги ҳам исбот этади. Қўлга киритилган меҳнат ютуқлари қаторида “Ғалаба” муқобил машина трактор паркни ҳудудидаги беш гектарли мевали боғни алоҳида таъкидлаш жоиз. Илғор технология асосида яратилган боғдаги пишиб етилган нознеъматлар ўтган мавсумдан бошлаб, корхона ишчи-ҳодимларининг дастурхонлари янада тўкин бўлишига хизмат қилаётир. Жорий йилдан корxonанинг ёрдмчи хўжалиги сифатида “етти хазинанинг бири” — паррандачиликка катта эътибор қарати-



«НОРИН-ТОЛА»НИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

ажратиб берилди. Пилла етиштириш орқали иқтисодий кўрсаткичларимизни мустақамлаб олишдан ташқари,

хона ишчи-хизматчилари ҳамда аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари бунёд этилиб, янги иш ўринлари ташкил этилади.

Корхона цехларини айланиб, бу ерда меҳнат интизоми қатъий йўлга қўйилганлигига, ҳар бир ишчи ёки хизматчи ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашаётганлигига гувоҳ бўлдик.

– Айти пайтгача 4 минг 500 тонна тола, 6 минг 750 тонна чигит, шунингдек, иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эришдик, – дейди жамият бош муҳандиси Орифжон Исмоилов. – Корхонамизда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта хомашёсини қабул қилиб олиш, деҳқон пешона тери эвазига етиштирилган пахта ҳосилини яхши ва сифатли сақлаш, уларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотларни терминалларга жўнатиш жараёнларида меҳнат жаомамизнинг ҳар бир аъзоси

ётган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Шу боисдан бўлса керак, корxonанинг ҳар бир ишчи ёки хизматчиси ўз касбига садоқат билан ёндашади. Садоқат, меҳр-оқибат бўлган жойдан эса кут-барак асло кўтарилмайди.

Саидолим Исмоилов узок йиллар давомида мазкур даргоҳда оддий ишчиликдан тортиб, корхона раҳбарлигига бўлган масъулиятли вазифаларда ишлаган эди. Ота касбини танлаган Орифжон Исмоилов Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти битириб, 2002 йилдан бери пахта тозалаш саноати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Бекмирза Боймирзаев, Рўзибой Жалилов, Сайфиддин Шамсиддинов, Аҳмаджон Қамбаров каби меҳнат фахрийларининг фарзандлари ҳам бугунги кунда ота касбларини давом эттиришмоқда.

Корхона маъмурияти ва касба уюшмаси томонидан хотин-қизлар меҳнатига, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги

фаоллигини оширишга, соғлиқ-саломатликларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

– Корхонамизнинг деярли барча цехларида аёллар учун қулай иш шароити яратилган, – дейди жамият касба уюшмаси раиси Анваржон Нуриллаев. – Ишлаб чиқаришда фаол иштирок этаётган опа-сингилларимиз доимо моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилади. Бундан ташқари, уларга Янгиқўрғон туманида жойлашган “Пахтачи” дам олиш масканига бепул йўлланмалар берилиб, аёлларнинг ишдан бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишларига катта аҳамият берилади. Ҳар бир байрам тадбирларини аёлларсиз, уларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айтиқса, баҳордаги 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами, Наврўз айёмига катта тайёргарлик кўрилиб, ўзгача руҳда нишонланди.

Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, хотин-қизларни ёзозлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги сўзларини яна бир бор



лаётир. Айти кунларда ўн мингта товуққа мўлжалланган паррандачилик фабрикасидаги қурилиш-монтаж ишлари ўз ниҳоясига етказилиб, фойдаланиш учун тайёр ҳолатга келтириб қўйилган. Айтиқса, замонавий технология асосида ипак қурти боқиш бўйича амалга оширилётган ишлар киши эътиборидан четда қолмайди.

– Бевосита корхонамиз қошида ҳамда “Учтепа” пахта қабул қилиш пунктида узунлиги 54 метр, энига айвони билан 16 метр бўлган махсус ипак қурти боқишга мўлжалланган замонавий бинолар бунёд этилмоқда, – дейди жамият раиси Мансурбек Маҳмудов. – Ипак қурти озукаси учун туманимиздаги “Ғалаба” ҳамда “Пахтакор” муқобил машина трактор паркни ҳудудларидан тут кўчатларини экиб, парвариш-лашга 12 гектар ер майдони

қўшимча равишда мавсумий 440 та янги иш ўрни яратишга эришамиз. Шунингдек, кор-



таъкидлаш жоиз. “Ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир”.

Обод турмуш йилида ўз олдларига бир олам эзгу ниятларни мақсад қилган норинлик пахта тозалаш саноати ҳодимлари эзгулик ва бунёдкорлик айёми бўлган Наврўзи оламини кўтаринки руҳда кутиб олишди.


Маммур МУСУЛМОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

Байрамини муборак бўлсин!

Озод ва обод юртда яшаётган барча ватандошларимизни Наврўз байрами билан табриклаймиз! Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонларимиз тўкин бўлсин. Мамлакатимизда паррандачилик соҳасининг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб, халқимизга тухум, парҳез гўшт етказиб бераётган корхоналар, шу йўналишда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқларига улкан ютуқлар, омадлар тилаймиз. Соҳага қаратилаётган доимий эътибор, кўрилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ушбу сердаромад тармоқ йилдан-йилга ривожланиб бораётирки, бу обод турмушимизда, фаровон ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Уйлаймизки, соҳамиз вакиллари жорий йилда тухум ва парранда гўшти ишлаб чиқаришда янада юқори кўрсаткичларга эришади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ПАРРАНДАСАНОАТ" УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

«КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



ватандошларимизни Наврўз байрами билан қизгин муборакбод этади. Барчангизга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз, жонажон Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнаши йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишингизга, Йилбоши – Наврўз Сизларга янги омадлар олиб келишига тилакдошмиз! Аллоҳ назари тушган Она юртимиздан тўкин-сочинлик ва қут-барака асло аримасин!



Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси
Кенгаши қошидаги санатор-курортлар
бошқармасига қарашли

«ЧОРТОҚ САНАТОРИЙСИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

**Барча юртдошларимизни
Наврўз айёми билан қизгин
муборакбод этади!
Юртимиздаги
тинчлик-осойишталик,
дастурхонларимиз
тўкин-сочинлиги бардавом
бўлсин, байрамона кайфият,
шоду хуррамлик дилларимизни
ҳеч қачон тарк этмасин!
Барча-барчангизга мустаҳкам
соғлик, узоқ умр тилаймиз!**

*Шоки гуллар экан чидлар кўркам,
Орзу гатамлари ураверар барқ.
Баҳорни соғиниб яшаса одам,
Ҳаёт ишқи зинҳор дилни этмас тарк.*

Азиз юртдошлар!
**Барчангизни дилларда ўзгача
сурур, қувонч барқ ураётган, атроф
яшилликка, гўзалликка
бурканаётган ушбу шодумон
кезларда халқимизнинг қадимий ва
ардоқли айёми – Наврўз билан
муборакбод этишдан бениҳоя
шодмиз. Обод турмуш йилида ҳам
юртимиз тобора равнақ топиб,
ҳаётимиз мудом тинч, турмушимиз
янада обод бўлаверсин.**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
«ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ»
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

ОЛОТ ТУМАНИДАГИ КўП ТАРМОҚЛИ «ЗАФАР» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ

Элимизнинг ризқу насибасини яратишга,
юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга
муносиб улуш қўшиб келаётган серқуёш
Ўзбекистонимиздаги барча қишлоқ мулкдорларини
Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади.
Яхши ниятлар билан баҳорни қарши олган қишлоқ
мулкдорларининг барча йўналишдаги ишлари
баракали ва сердаромад бўлсин! Замин билан
сирлашиб, экин билан тиллашиб, чорванинг ортидан
эргашиб халқимизнинг дастурхони тўкинлиги йўлида
қилаётган машаққатли, шунинг баробарида хайрли ва
савобли ишларингиз ҳар доим бароридан
келаверсин, азиз фермерлар!



Хоразм Вилояти

О Ободлик бор жойда барака бор

Хива бу — қадимий, мангу навқирон, Одамлари танти, миришкор деҳқон

Илм-фан, санъат, маданият маскани бўлган қадимий ва ҳамisha навқирон Хива уста пахтакорлар, миришкор деҳқонлари билан ҳам фахрланса арзийди. Хива тумани азалдан ширин-шакар мевалари билан машҳур. Полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришда хиваликлар катта тажрибага эга.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар туман деҳқонлари учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Ерлар унумдорлиги ошиб, экин ҳосили кўпаймоқда, маҳсулотлар етиштириш ҳажми ва сифати юксалмоқда. Натижада аҳоли турмуши фаровонлашиб, қишлоқлар кундан-кунга жамол очмоқда. Наврўз байрами арафасида Хива тумани ҳокимлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Матёқуб МАТЁҚУБОВ билан бўлган суҳбатимиз ана шулар хусусида кечди.

— Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида фермерларимизга самарали ишлашлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бунга жавобан фермерларимизнинг ҳам шижоату ғайрати ошиб бораётир. Айни вақтда туманимиз бўйича етиштирилаётган пахта, пилла, ғалланинг деярли барчаси, мева-сабзавот, гўшт, асал, балиқ маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган 137 та фермер хўжалиги 11 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мамлакатимиз пахта ва дон хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. 2012 йилда 6790 гектар майдонда пахта етиштирган деҳқонларимиз шартномадан 230 тонна кўп маҳсулот топшириб, “оқ олтин” хирмонини 18980 тоннага етказдилар. “Йўлдош бобо”, “Хива дон элита”, “Улуғбек Динора”, “Отаназар” каби фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 40-45 центнерни ташкил қилди. Шунингдек, ғалла, пилла топшириш шартнома режалари ҳам ошиғи билан уддаланди.

Яшнасин Курёзов бошчилик қилаётган “Комилжон” фермер хўжалиги аъзолари мавжуд 123 гектар экин май-

донининг 60 гектарида пахта етиштириб, ҳосилдорликни гектарига 40 центнердан оширдилар. Топширилган хомашёнинг барчаси юқори навларга, салмоқли қисми эса уруғлик учун қабул қилинди. Шу боис, даромад ҳам ошиб бормоқда. Жамоада кўшимча тармоқлар ташкил этиш ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. 20 гектарлик майдонда ташкил қилинган боғ, балиқ етиштирилаётган 3 гектарлик кўл, жамоа фермасидаги 40 бош қорамоллар ҳам фермер даромадини оширишнинг омили бўлмоқда. 2012 йили 34 гектар майдонда етиштирилган буғдойнинг шартномадан ортгани фермер хўжалиги аъзоларининг омборини донга тўлдирди. Деҳқончилик ва кўшимча тармоқлардан келган даромаднинг асосий қисми фермер хўжалигини янада ривожлантиришга сарфланмоқда. Мева ва сабзавотни қайта ишлаш заводи куриш мақсад қилинган. Бу билан яна кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

“Русланбек Муҳаммадқуб” фермер хўжалиги бошлиғи Русланбек Матрасулов эса янги тармоқ — балиқчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Унинг ихтиёрида 300 гектар табиий кўл майдо-

ни бўлиб, эл дастурхонига ўтган йили 100 тонна “луқмаи ҳалол” тортиқ этилди. Шунингдек, бу соҳани ривожлантиришга интилаётган, фермерлар учун миллионлаб донга балиқ чавоқлари етказиб берилди. Ёрдамчи тармоқ сифатида ташкил қилинган жамоа фермасида бугунги кунда 56 бош қорамол, 120 бошдан зиёд кўй-кўзи парвариш қилинмоқда. Балиқчиликни ривожлантириш учун келгусида имкониятлар янада кенгайтирилади, ёпиқ жойда интенсив равишда балиқ боқиш, кўпайтириш бинолари курилмоқда ва жиҳозланмоқда. Балиқчилик ва бошқа кўшимча тармоқлардан келаётган фойданинг бир қисми ана шундай яратувчанлик ишларига, Обод турмуш йилида эл дастурхонини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан бойитишга сарфланади. Тумандаги 104 та боғдорчилик, 64 та чорвачилик, 32 та балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳам ишлар Президенти-мизнинг фермер хўжаликлари янада тараққий эттиришга доир йўл-йўриқлари асосида ташкил қилиниб, юқори самарадорликка эришилмоқда.

Фермерларимизнинг аксарияти кўп йиллик тажрибага эга, ўз касбининг устасига ай-

ланган кишилар. Шулардан бири 2002 йили иш фаолиятини бошлаган “Шоназар ҳосилот” фермер хўжалиги раҳбари Маркс Юсуповдир. Эндиликда у туманимизнинг олди фермерларидан. Янгиликка интилиб, илм-фан янгиликлари, илғор тажрибаларни амалиётда қўллайдиган фермер ўтган йили ўз даласи хусусиятини, табиат-иқлим шароитни ҳисобга олган ҳолда “Бухоро-6” навини экиб, шартномада кўрсатилганидан 25 тонна зиёд пахта топширди. Қабул пунктига топширилган 150 тонна хомашёнинг ҳаммаси фақат аъло навга қабул қилинди. Натижада 50 гектар пахта майдони ҳисобидан 138 миллион сўм даромад, 53 миллион сўм фойда кўрди. Ғалла, пилла ҳамда боғдан олинган фойда 91 миллион сўмдан ошди. Амалдаги йилда 30 гектар майдонда пахта, 30 гектар майдонда ғалла етиштиришни кўзлаган бу жамоа кўкламга пухта тайёргарлик кўрди. Пахтадан 40, буғдойдан 60 центнерлик маррани кўзлаётган фермернинг нияти улғу. Ғалла майсалари иккинчи марта минерал ўғитлар билан озиклантирилди. Маҳаллий ўғитга тўйинтирилган бу далаларда барқ уриб ўсаётган буғдой майсалари кўрган кўзни қувонтиради. Фермер хўжалигида ёрдамчи тармоқлар ривожига етарли аҳамият қаратилган. Жамоа фермасида 30 бош қорамол, 2000 та товуқдан олинган маҳсулотлар ишчилар иссиқ овқатини таъминлайди, ортиқчаси бозорга чиқарилади. Бу йилдан 20 сотих майдонда ҳовуз ташкил қилиниб, балиқчиликка ҳам асос солинди, унинг ёнида тез кунлар ичида фермер хўжалиги аъзоларининг дам олиш уйи қад-

ростлайди. Фермер хўжалиги ҳудудидаги маҳалла аҳли бири-бири билан жуда иноқ, тўй-тантаналарда бир-бирига, маслаҳаттўй. Улар яшариш айёми Наврўзни зўр шодиёналик билан қарши олдилар.

Туманимиз деҳқонлари эришаётган ютуқларда таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг ҳам ҳиссалари катта.

Мадийр Саъдуллаев бошчилик қилаётган “Хива Агротехсервис” МЧЖ шаклидаги МТП корхонаси жамоаси деҳқонларимизга яқиндан кўмак бераётганлардан бири. Корхонада юқори унумли 8 та “Магнум” русумли трактор, 2 та дон ўриш комбайни бўлиб, улар ёрдамида ўтган йилда фермерларимиз томонидан етиштирилган 800 гектар майдондаги буғдой ўз вақтида саранжомланди, минг гектар майдон кузги шудгор қилинди. Комбайнчи Худойберган Худойбергенов, Омон Тоировов, тракторчи Қутлимурод Матназаров, Бозорбой Самандаровларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётганлиги натижасида барча техника воситалари мавсумга тахт қилиб қўйилди. Корхона қошида 3 мингга товуққа мўлжалланган паррандачилик фермаси, новвойхона, аҳолига хизмат кўрсатувчи устахона, ветеринария хизмати кўрсатиш шохобчаси ташкил қилинган бўлиб, уларда 12 нафар киши иш билан таъминланган.

Хивалик миришкорлар Обод турмуш йилида элимиз ободлигига, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Наврўзи оламни кўтаринки кайфият билан қарши олдилар.

Холмурод ҚУРБОНОВ
суҳбатлашди.

«ҚОРАҚАЛПОҚПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз пахтакорларини, пахтани қайта ишлаш саноатини ходимларини, барга юртдошларимизни Наврўз айёми билан табриклайди. Ушбу гўзал дамлардаги кўтаринки кайфият йил бўйи кўришларимизни тараққий этмасин!

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни қутлуғ айём — Наврӯзи олам билан қизгин табриклайди.

Турмушимиз ободлиги, дастурхонларимиз тўкин-сочинлиги йўлида бор куч-ғайратларини ишга солиб меҳнат қилаётган миришкор деҳқону фермерларимизга, соҳибкор боғбонларимизга жорий йилда ҳар қачонгидан-да мўл ҳосил етиштиришларини тилайди. Мустақиллик шарофати билан гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимиз бундан-да обод бўлсин. Дошқозонлар сумалакларга тўлаверсин!

«O'ZVINOSANOAT-XOLDING»
XOLDING KOMPANIYASI



*Яна олам бўлди яшил, сарфусун,
Яна қизгалдоқлар обилди чирини.
Бу йилги кўкларини ўзлаб бутун,
Ватаним, муборак бўлсин Наврӯзини!*

Муҳтарам ватандошлар!
Сиз азизларни фусункор, тароватли баҳор фаслининг кўҳна ва бардавом айёми – Наврӯз байрами билан сидқидилдан муборакбод этамиз. Яхши ният билан ерга қадалган ризқ уруғлари элимиз дастурхонига тўкин-сочинлик, хонадонларимизга қут-барака олиб келсин. Донимиз мўл, нонимиз бутун бўлсин!



«Фарғонадонмахсулотлари»
ОАЖ жамоаси

Самарқанд Вилояти

Тарихнинг ёрқин кўзгуси

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, дейдилар». Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг адабиёт мухлислагарига ёд бўлиб кетган ушбу жумлалари беихтиёр кеча ва ўтган кунларни эслашга, воқеалар, ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритишга ундайди. Аммо ўтмишни ўз ҳолича идрок этиш, ҳамма воқеаларни ёлда сақлаш осонмас. Бундай пайтларда энг яхши ёрдамчи архивлардир. Аслида миллатимиз, мамлакатимиз, халқимиз, қолаверса, бутун дунё тарихининг ажодлардан авлодларга ўз ҳолича етиб келишида архивларнинг ўрни беқиёс.

Мамлакатимизда эса ўтмиш ва бугунни боғловчи бу соҳага эътибор катта. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги Қонуни, кейин эса янги «Архивлар иши тўғри-

ортиқ маблағ сарфланди.

Давлат архивларида электрон ҳужжат айланиши, электрон почта хизмати йўлга қўйилган. Вилоят архив иши бошқармаси ва вилоят давлат архиви раҳбарлари электрон рақамли имзога эга. 2009 йилда вилоят архив иши бошқармасининг веб-сайти яратилган эди. Унга вилоят давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлар тўғрисида қисқача маълумотлар киритилиб бориляпти. Топшириқларнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида бошқарма ўзининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа ҳужжатларини тизимга қарашли архив муассасаларига электрон почта орқали юбормоқда ва тегишли равишда уларнинг ижросини ҳам шу тартибда олмақда.

– Эришилаётган ютуқлар архив муассасалари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимлари ва технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасидир, – дейди вилоят Архив иши бошқармаси бошлиғи Абдалим Маматов. – Бу борада Самарқанд ахборот технологиялари касб-хунара коллежи билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Шу ўринда касб-хунара коллежларини архив мутахассислиги бўйича битирган ўқувчиларнинг иш билан таъминланаётганини ҳам айтиб ўтишни истардим. Жумладан, ўтган йил мазкур коллежни ҳужжатшунослик ва архившунослик йўналиши бўйича тугатган 30 нафар, Жомбой маиший хизмат ва Оқдарё педагогика касб-хунара коллежларида ушбу йўналиш ҳамда архившунослик ва иш юритиш ихтисосликларига эга бўлган 77 нафар ёш мутахассисни ишга жалб этдик.

Бошқарма бошлиғи Абдалим Маматов соҳада бой тажрибага эга мутахассис. Йигирма йилдан ошиқроқ вақтдан буён шу тизимда фаолият кўрсатиб келяпти. У туман ва шаҳарларда архив филиалла-

ри, идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар архивлари ташкил этишда фаоллик кўрсатди. Вилоят давлат архив муассасаларида республикада биринчилардан бўлиб ҳужжатларнинг электрон нусхасини яратишга ўтилди. Барча архив идораларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

– Архивлар сақловхоналарида ҳужжатлар сақловини меъёрдагидек таъминлаш, уларнинг умрини узайтириш учун, энг аввало, ҳаво мўътадиллиги зарур, – дейди у. – Биз бундай имкониятларга мамлакатимизда архив ишига катта эъти-

салардан кўплаб доимий сақланадиган бошқарув ҳужжатлари, суратли ҳужжатлар, шахсий таркиб ҳужжатлари қабул қилинмоқда. 2012 йил давомида эса вилоят давлат архивларига мўлжалдаги 8 минг сақлов бирлиги ўрнига 11239 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар қабул қилинди. Қоғоз асосидаги ҳужжатларни таъмирлаш, уларни муқовалаш ва тикиш, қоғоз асосидаги ўта қимматли ҳужжатларни аниқлаш, ҳужжатларнинг электрон нусхасини яратиш, ҳужжатларни картонлаш, хатловини такомиллаштириш, ҳужжатларнинг қимматлигини экспертиза қилиш каби асосий йўналишларнинг барчасида белгиланган режалар ортиғи билан бажарилди.

Вилоят Архив иши бошқармасининг Эксперт текширув комиссиясида ўттиздан зиёд манба ташкилотларнинг ҳужжатлар рўйхати кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Унга кўра, манба ташкилотларнинг 32467 сақлов бирлигидаги асосий фаолиятга, 200 сақлов бирлигидаги шахсий келиб чиқиш ва 6010 сақлов бирлигидаги шахсий таркибга оид ҳужжатларига (жами 38677 сақлов бирлиги) илмий-техник ишлов берилди. Ҳужжат-

эришилганлиги диққатга сазовордир.

Кейинги йилларда архивларга мурожаат қилувчилар сони сезиларли даражада кўпайди. Бунга ҳамонан равишда сўров масаласида ташриф буюраётган фуқаролар билан архив раҳбарияти ўртасида ўтказиладиган мулоқотлар ҳам кенгайиб борапти. Қабулга келган фуқаролар учун сўровларни расмийлаштириш, қабулни ташкил этиш, мурожаат билан боғлиқ барча қўлайликлар яратилган. Жумладан, фуқаролар қабули учун архивларнинг кириш жойида алоҳида хоналар ажратилган. Бу хоналар архивга мурожаат қилиш ва ижтимоий-ҳуқуқий сўровлар ижросини амалга ошириш, архив қонунчилигига оид турли ўқув материаллари, оммабоп газета ва журналлар билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида вилоятда архив иши ва иш юритишни ривожлантириш дастури ҳамда мақсадли мўлжаллар тасдиқланган эди. Ушбу дастур ва мўлжалга асосан архив муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиляпти. Жумладан, мавжуд компьютер ва бошқа ускуналар янгиланяпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори архив ходимлари зиммасидаги вазифаларга янада ойдинлик киритди. Ушбу қарор талаблари асосида бошқарма ходимлари, вилоят давлат архивлари ва шахсий таркиб ҳужжатлари архивлари директорлари, давлат архивларининг асосий жамлаш манбалари билан ишловчи ходимлар иштирокида махсус амалий семинар ўтказилди. Идоравий архивларда архив ишини ташкил этишга амалий ва услубий ёрдам бериш мақсадида бошқарма томонидан ишлаб чиқилган «Идора архивлари ишини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар» ташкилотларга қўлланма сифатида тарқатилди. Шунингдек, архивлар фаолиятини мазкур қарор талабларига мувофиқлаштириш учун ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Айтиш мумкинки, Самарқанд архив муассасаларида мустақиллик туфайли яратилаётган барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Архивлар фонди йил сайин бойитилляпти. Ҳар сатрида бизнинг кечаги ўтмишимиз, тарихимиз акс этган ҳужжатлар сақлови бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиляпти. Архив ходимлари доимий равишда янгиликка интилмоқда ва амалда бунга эришмоқдалар ҳам. Уларнинг эришаётган ютуқлари, тўплаган бой тажрибалари ибратли эканлиги эса амалда эътироф этиляпти.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.



сида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунлар ижросини таъминлаш, архив фаолиятининг янада ривожланишида муҳим роль ўйнади. Натижада архив муассасалари мамлакат ҳаётининг ёрқин кўзгусига, тарихни англашдаги жиддий воқеага айланди.

Барча ҳудудлардаги сингари Самарқанд вилоятидаги архив муассасалари ҳам мустақиллик йилларида бирин-кетин янги замонавий биноларга эга бўла бошлади. Уларнинг барчаси энг зарур замонавий ускуналар билан таъминланиб, архив ходимлари учун етарли қўлайликлар яратилди.

Бугунги кунда барча архив муассасаларида замонавий компьютер жамланмалари, нусха кўчирувчи аппаратлар, видеокамера, рақамли фотоаппаратлардан фойдаланилмоқда. Ўтган йили эса ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ва матни ўчиб бораётган ҳужжатларни таъмирлаш қурилмаси ҳамда бошқа замонавий ускуналар олишга 30 миллион сўмдан



бор қаратилаётгани, жойларда архивлар учун янги замонавий сақловхоналар қуриш ва уларга керакли ускуналар ажратилаётгани туфайли эришдик. Ҳозир барча ҳужжатлар махсус картон қўтиларда сақланяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзиде вилоят давлат архиви, Самарқанд тумани ва Каттақўрғон шаҳри давлат архивларининг қўшимча сақловхона бинолари бунёд этилди.

Айни пайтда вилоят архив иши бошқармаси тасарруфидаги вилоят давлат архивларида 900 мингдан ортиқ доимий сақланадиган ҳужжатлар мавжуд. Ҳар йили давлат архивларига архивларини жамлаш манбаларига киритилган ташкилот, корхона ва муасса-

лардан фойдаланиш ва уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилиш бўйича ҳам эришилган натижалар қувончли.

2012 йил мобайнида вилоят давлат архивларида хизмат кўрсатиш 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 107 фоизга ошди. Идоралараро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар архивлари хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 124 фоизга ошди. Ташкилот, корхона, муассасалар, шахсий келиб чиқиш ва шахсий таркиб ҳужжатларини қабул қилиш, пуллик хизмат кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий тоифадаги сўровлар ижроси борасида ҳам худди шундай ижобий натижаларга

Самарқанд Вилояти Архив иши бошқармаси жамоаси

юртдошларимизни баҳор байрами —

Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Барчага сўхат-саломатлик,

тинчлик-тотувлик, бутун йил мобайнида

баҳорий кайфият тилайди.





*Бир самоводда Шабдуъ нафаси,
 Бозу бугапонларда андалиб саси,
 Бу нафас, бу сасини йўқ муқоваси,
 Қайта келмасе бўлиб келдимини, бағор?
 Дасилад топи бозинда кўрандим сени,
 Сити Шидри тоғинда кўрандим сени,
 Қизилар ёноғинда кўрандим сени,
 Қайта келмасе бўлиб келдимини, бағор?
 Хатти айтганиман шайрифини қанда,
 Сен то ўру кўфти айтамангунда,
 Бозлар нурга кайтмас, олتماе учинда,
 Қайта келмасе бўлиб келдимини, бағор?*

«Фурш дош» ЭМЦСЖ жамоаси

азиз ватандошларимизни серқуёш, завнатгумонанд
 юртимизга орасгалик, саранжом-сарипшгалик, ободлик
 ва бунёдворлик рамзи сифатида кўриб келган
 Наврўз айёми билан табриқлайдиг. Ватанимиз
 равнақи, эртанги кунимиз фаровонлиги йўлида
 астойдил меҳнат қилгаётган фидойи халқимизнинг азгу
 ниятлари доимо изобат бўлишини тилайдиг.



«НАВОИЙ НЕФТЬ БАЗАСИ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни Наврӯз айёми билан муборакбод этади. Кундан-кунга обод бўлиб, гўзллашиб бораётган юртимиз шаҳару қишлоқлари, қиру адирлари, боғу роғлари, бепоён далалари яшиликка бурканмоқда. Фаслар келинчаги баҳор бутун борлиққа ўз сепини ёйди. Табиат янглиғ инсонлар қалбида ҳам меҳнатга, яратувчанлик ва эзгу ишларга ўзгача иштиёқ уйғонди. Шундай кезларда элимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, турмушимизнинг янада юксалиши йўлида меҳнат қилаётган юртдошларимиз янгича бир куч-ғайрат, янгича шижоат билан иш бошлайдилар. Улар сафида меҳнат жамаомиз ҳам борлигидан фахрланамиз. Бу фахр туйғуси бизни янгидан-янги меҳнат марралари сари чорлаши шубҳасиз.

Ўш бўйи баҳорий кайфият барамизга ҳадроҳ бўлсин!

*Офтобнинг меҳрини Она ер тўйди,
Бойгетак бошини кўтарди илк бор.
Табиат келинчак либосин кийди,
Ассалом, нозанин, гўзал Наврӯз!*

*Ўриклар шохига оппоқ ҳаяжон,
Гўйчулар туғёни айтмоқ бўлар сўз.
Қайтадан туғилди дунё ногаҳон,
Ассалом, эй улус сехрлар Наврӯз!*



Қалбларга сурур, танларга ҳузур бахш этаётган баҳорий лаҳзаларда барча юртдошларимизни қадимий ва миллий байрам – Наврӯз айёми билан муборакбод этамиз. Миришкор деҳқонлар, ғаллакору пахтакорларимиз ҳосили мўл, хирмонлари юксак бўлсин!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ҲАЖ ЖАМОАСИ



«ЎЗАГРОСУҒУРТА»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ (ОАЖ)

«Ўзагросуғурта» ДАСК (ОАЖ)

жамоаси юртошларимизни
қутлуғ айём – Наврўз байрами билан
муборакбод этади. Юртимизга
ДОИМО ТИНЧЛИК, ХАЛҚИМИЗ
дастурхонига барака ва оилаларига
ОСОЙИШТАЛИК тилайди.



«Ўзагросуғурта» — бўтин Ўзбекистон
бўйлаб суғурта ҳимояси

Манзил: Тошкент ш. 100017, Мустақиллик майдони, 5.

Тел.: (+99871) 239-10-65. Факс: (+99871) 239-10-66

E-mail: info@agros.uz; www.agros.uz

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

МОМАҚАЙМОҚДАН «Ёшлик ва фаоллик қайласи»

Баҳор бошланди. Табиат уйғонди. Ҳаммаёқ яшилликка бурканмоқда. Фасл алмашди. Шу даврда инсон организми турли витаминларга эҳтиёж сезади. Шу боис ҳам бу даврни халқимиз «илик узилди», «илик узиладиган пайт» деб номлашади. Бундай пайтда янги чиққан кўкатлар, баҳор неъматлари бизнинг танзимизга мадор, жисмига қувват бўлади.



Ана шундай баҳор неъматларидан бири момақаймоқдир. Унинг хусусиятларини айтишдан олдин, ўсимликка озгина таъриф бериб ўтамиз: момақаймоқ — сариқ тўпгулли, шамолда учиб кетадиган уруғли ўт; қоқиўт. Унинг барглари инсон организми учун жуда фойдали бўлиб, улар протеин, С ва Е витаминлари, каротин, темир, калий, магний, кальций, фосфор, марганец ва йодга бой. Гул чангида медь, никель, бор ва кобальт мавжуд. Ўсимликнинг илдизларида кузга қадар 35 фоизгача инулин йиғилади. Гулларини истеъмол қилиш, унинг барглари шўрва ва гўшти таомлар тайёрлашда зирвор сифатида ишлатиш мумкин. Гул куртакларидан эса асал, вино ва шарбат тайёрланади.

Қадимда уни «ҳаёт эликсири» дея таърифлашган. Немис файласуфи Иоганн Гёте эса момақаймоқдан тайёрланган яшил қайлани «ёшлик ва фаоллик қайласи» деб номлаган. Ушбу қайлани тайёрлаш учун икки ҳовуч момақаймоқ гуллари, салат, яшил пиёз, кашнич, укроп ва бодрингни майдалаб тўғраш керак. Уларга иккита қайнатилган ва майда тўғралган тухум, бир ош қошиқ лимон шарбати, туз, бир дона гармдори ва бир стакан қатик кўшилса бас.

Чех аёллари момақаймоқ гулларида турли хуснузарлардан сақланиш хусусиятига эга шарбат тайёрлашади. Қандолатчиликда момақаймоқнинг қуритилган барглари хамирга ранг бериш учун фойдаланилса, илдизларидан склероз хасталигини бартараф этувчи кофе таъмини эслатадиган ичимлик тайёрланади.

Халқ табобатида момақаймоқ шарбати шамоллаш, ангина, ошқозон касалликларини даволашда қўлланилади. Ёғ билан аралаштирилган момақаймоқ барглари экзема, яра ва куйишда ишлатиш мумкин.

Замонавий тиббиётда момақаймоқ илдизлари иштаҳани очиш, овқат ҳазм қилиш, холецистит ва гастритни даволашда қўл келади.

Зулфия АХМЕДОВА
тайёрлади.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Агротехнология ва
таркибидоғи ҳамда шу
тармоққа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Зафар РЎЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ,
Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса
АНОРБОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд
ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Омонулло ЮНУСОВ, Анвар
ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ,
Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва
эълонлар:**

**236-58-83,
233-28-04.**

Реклама ва
эълонлар матни
учун буюртмачи
жавобгар



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

**Навбатчи
муҳаррир:**

Р.СУЯРОВ

Мусахҳих:

О.ОЧИЛОВ

Дизайнер:

М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба,
жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-314,
ҳажми 6 босма табоқ.

**Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.**

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.00
26101 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг
ўзида компьютерда
терилди ва
саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5